Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 20-mart № 36-37 (3074) seshanba

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

Дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида

Аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2012 йил 21 март чоршанба дам олиш куни 22 март пайшанба кунига, 25 март якшанба дам олиш куни 23 март жума кунига кўчирилсин;

2012 йил 21 март чоршанба ва 25 март якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 19 март

Ҳашар

Ободлик кўнгилдандир

Ҳашар халқимизнинг азалий эзгу анъаналаридан. Юксак қадриятларимиз рамзи бўлган ушбу тадбир бунёдкорлик, ободлик, атроф тозалиги ва кишилар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтиришга хизмат қилган.

Юртимизда 17-18 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида 17 млн. 286 минг 928 нафар юртдошимиз иштирок этди. 35 минг 362 гектар майдон ободонлаштирилди. 60 минг 800 тонна чиқинди белгиланган жойга чиқариб ташланди. 23163 километр ариқ ва лотоклар тозаланди. 9 млн. 343 минг 796 туп манзарали ҳамда 6 млн. 540 минг 48 туп мевали дарахт кўчатлари экилди. 20 млн. 208 минг 146 туп дарахтларга шакл берилди. Ҳашарга 15049 та техника воситалари жалб этилди. 436888 м.кв. уй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланди. 38640 нафар муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга ҳашар кунлари ижтимоий иншоотларни фойдаланишга топшириш орқали янги иш ўринларини яратиш, болалар ва спорт майдончаларини қуриш, янги боғлар барпо этиш каби қатор ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда жойлардаги мухбирларимиз хабар қиладилар.

(Давоми 2-4-бетларда)

Намунали касаба уюшма туманида

Ишонч боғлари

Юртимизда 17-18 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши муносабати билан Сирдарёнинг Боёвут туманида таҳририятимиз томонидан ташкил этилган «Ишонч» боғида ҳашар қилишга жўнашимиз, вилоятда намунали касаба уюшма тумани деб танланган Боёвутда «Маънавият соатлари» доирасида нашримиз кунлари ҳамда мухлису муштарийлар билан учрашув ташкил этилиши ҳақидаги хабар кўнглимизга илиқлик етаклаб кирди. Дам олиш куни ҳаё-ҳуйт, Боёвут қайдасан, деб йўлга отландик.

Йўл юрса ҳам мўл юриб

Ўзбек халқ эртакларида бу гап кўп бора қўлланади. Йўл юриб, юртимизнинг гўзал сарҳадларидан бири — Сирдарё вилоятида умумхалқ ҳашари уюшқоқлик ва хушхоллик билан ташкил этилганига гувоҳ бўлдик.

Ариқлар тозаланган, янги ниҳолларни экиш авжида, дарахтлар оқ «пешбанд» таққан. Ёши улуғ отахонлар ёш-яланга бошқош, гузарлару кўчалар озода. Гўё бутун Сирдарёнинг бор келинчаги саҳармардон уйғонгану ҳамма жойни сарishталаган. Бир сўз билан айтганда, манзилга етгунга қадар йўл бўйларида юртимиз ободлигига ҳисса қўшаётган инсонларнинг баҳорий кайфият билан меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Улардаги ишчанлик, юз-кўзидаги хотиржамлик, қувонч излари истиқлол нафасининг Ҳумо қуши сингари парвоз қилаётганидан далолат беради.

Боёвут туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда ташкил этилган боғимизга етиб борганимизда, кўнглимиз янада равшан тортди. Сабабки, бурноғи йили экилган ниҳоллар амал олиб, бўй чўзибди. Коллеж ходимлари-ю талабалари ҳам сирдарёлик ахир! Биласиз, бу юртнинг одамлари қўлигул боғбон келади. Бизга иш қолдиришмабди ҳисоб. Уялгандан уч-тўрт дарахтнинг тагини чопиқ қилганимизу қулоқ чўзган уч-тўрт бегона ўтни юлганимиз рост.

(Давоми 2-3-бетларда)

...к бўлсин,
...ар!

...atsiyasi gazetasi

...ch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 23-mart № 38 (3075) juma

...ланиш айёми

...идаги Ўзбекистон ...тган Наврўз байрами ...н репортаж

...б-тубигача етиб боради. Ана ...ндай сеҳрли наво оғушида ...йдон теграсидаги улкан мо...торларда юртимизнинг ...сн-малоҳатда тенгсиз табиа..., бетакрор қадимий обида...рию замонавий меъморчи...к анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги кўрку таровати, фидойи ватандошларимиз, йигит ва қизларнинг шижоатли қиёфаси намоён бўлади.

Эрта тонгданоқ ораста шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай, ноғораю доира садолари янграйди. Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар қалбидаги шодумонлик уларнинг юз-кўзларида акс этади. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак тақкан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволаётган варракларга қадалган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқади.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-мурувват айёми. Халқимизнинг қонқонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча анъана ва удумларимизда, марака ва маросимларимизда, айниқса Наврўз фалсафасида янада теран намоён бўлади. Маҳалла-кўй, эл-юрт ҳамжиҳатликда ҳашарга отланади. Ариқ-зовурлар тозаланади. Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдизлари миллий маънавиятимизнинг кўҳна сарчашмаларига туташ ҳашар кунида кенг миқёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудуратлар унутилиб, биродарлик ришталари мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугунидан, буюк келажагидан, миллий қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаётганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаётганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришу янгиланишлардан, шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришаётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни ғаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаётган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан туғилади.

(Давоми 2-бетда)

...ш олиб киради. Дарахт нов-
...даларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъанаудумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

...Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нуроний чеҳрасидан, дуогўй момоларнинг эзгу тилакларидан, тонгни бешик қучиб қаршилаган оналар алласидан бошланади бу кун. Саррин еллар қанотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этмайдиган лайлаклар хаёлотида кириб келади у. Наврўз навоси янграйди. Халқимизнинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бутун юртимиз узра парвоз айлайди. Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу муаттар насим ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалбга кириб боради.

Муаззам майдон узра майин куй таралади. Кўклам соғинчи, табиатга ошуфталик, она заминга муҳаббат, севги ва садоқат, эртанги ёруғ кунларга ишонч ҳисси билан йўғрилган бу нафис оҳанг уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг

Баҳор ташрифи

Сен кўнгилнинг самовий рақси
Зеби жаҳон кўркининг нақши,
Сен фаришта, мен куйчи баҳши —
Баҳор бўлиб келганинг яхши

Қаҳратондан қақшади жоним,
Соғинчларга ташлади ғаним.
Ташрифингдан яшнади таним —
Рафтор бўлиб келганинг яхши.

Ғолиб тўғдай адирлар алвон,
Чучмомалар уради жавлон
Жилвасида жаннату ризвон —
Бедор бўлиб келганинг яхши.

Ҳар гиёҳда висол хислати,
Ҳар қиёқда завол қисмати.
Сен ғанимат дийдор нисбати —
Дийдор бўлиб келганинг яхши.

Шўх нозларинг иффор насимли
Гул юзларинг бунча ёқимли,
Бол сўзларинг ғунча тотимли —
Дилдор бўлиб келганинг яхши.

Эй фасли гул, фасли мастона,
Эртаклардан келган афсона
Малаксиймо, қадди Руҳшона —
Зуннор бўлиб келганинг яхши.

Таърифингга қўшмадим пардоз,
Қадамингга қуёш пойандоз.
Сен мангу ишқ, туғёндаги соз —
Баҳор бўлиб келганинг яхши.

Нуруллоҳ ДОСТОН

Ўқинг, амал қилинг: ўзингизга фойда



ТАБИАТНИ БЕБАҲО

«Бошингни совуқ, о
тут, шунда сен энг зўр
қашшоқ қила оласан».

***

Қўл ювиб юрсанг, ни
биласан,
Тил тийиб юрсанг, ни
ни биласан.

Аб

***

Шарқ элининг дониш
илмининг отаси Луқмон
— Барча юкни кўтарди
дан оғирроқ юкни кўр
лаззатни тотиб кўрди
матликдан чучукроқ ла
дим. Энг ширин лаззат
матликда эканини англ

***

Бу йилги баҳор кечиккандай кўринади. Шунга қарамай, кўча-кўйда бош кийимсиз ёки бўлмаса, енгил кийиниб олган ёш-яланғларни кўплаб учратиш мумкин. Нима бу, чиниққанлик белгисими ёки...

«Тани соғлик шундай махфий давлатки, қадрини ундан айрилган кишиларгина билади» дейилади араб ҳикматларида.

Шифокорнинг вазифаси даволашдан кўра касалликларнинг олдини олиш, кишини ўз соғлиғини асрашга ўргатишдан иборат. Бизнинг ҳам заҳматкаш касб эгаларига ёрдам бергимиз келди. Бугунги саҳифамизда донишмандларнинг сиҳат-саломатлик ҳақидаги қимматли фикрларини эътиборингизга ҳавола этишни ният қилдик. Бу ҳикматлар зора сизнинг ўз соғлиғингиз ҳақида қайғуришингизга туртки бўлса.

***

«Мушук текинга офтобга чиқмайди» деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам мушукнинг офтобда исинишида ҳикмат бор экан. Тарихий манбаларда келтирилишича, кунларнинг бирида даниялик шифокор Нильс Финзен қўшнисининг томида — мўрининг ёнида исиниб ётган мушукнинг хатти-ҳаракатини кузатди. Мушук мўри сояси тушиши билан ўрнидан туриб, яна офтоб тушадиган жойга ётиб оларди. Финзен мушукнинг бу ҳаракатини кўриб, қуёш нурининг тирик организмга таъсирини ўрганишга киришди ва ундан кишиларни даволашда фойдаланди. Нильс Финзен бу ғояни муваффақиятли амалга оширганлиги учун 1903 йили Нобел мукофотига сазовор бўлди.

Баъзан, ўз соғлиғининг қадрини билмай, уни ичиш ва чекиш каби иллатларга бой бераётганларни кўриб: тавба, бу одамнинг ҳатто мушукчалик ҳам ақли йўқмикин, — деб ўйлаб қоласан киши.

***

1738 йили машҳур голланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасидан «Табобат» деб номланган қалин китоб топилди. Бу китоб ким ошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг долларга сотилди. Муҳр бузилиб, китоб очилганида унинг саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат илк варақдагина шундай сўзлар ёзилган экан:

Афлотундан сўрадил
— Денгизда жуда кў
динг, шу саёҳатингда к
йиб нарсани бизга сўзл
Афлотун деди:
— Энг ажойиби шуки,
га соғ-саломат чиқдим.

***

Киши учун саломатл
дунё эса топилади. Қуш
дон эса топилади. Инсо
унинг тилаги равшанди
омон бўлса, орзу яқинд

Абу Н

***

Айтишларича, Аҳжож
илтимос қилиб, деди:
— Менга саломатл
бўладиган нарсалард
токи табиб ва дориларга ишим тушмасин.

Табиблар унга қуйидагича жавоб бердилар:

— Бирор касалингиз бўлмаса яна ҳам яхшироқ бўлай деб беҳуда дори ичманг, пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга уринг, нимаики ёқса ўшандан тановул қилинг, овқатдан сўнг совуқ сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлса устига-устак овқат еманг, кундузи овқат егандан кейин ухламанг, кечаси еганда эса, дарров ётиб олмай, бир оз у ёқдан бу ёққа юринг.

Билингки, тўрт нарса кишининг баданини семиртириб, кучли қилади: гўштни кўп ейиш, чиройли нарсаларга тикилиш, чўмилиш ва саёҳат қилиш.

Уч нарса кўз нурини оширади: ухлаш олдидан кўзга сурма тортиш, сабзазорларга тикилиш, покиза либос кийиш.

Уч нарса кўз нурини камайтиради: душманни кўриш, хунук нарсаларга, нурга тикилиш.

Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўр ва аччиқ нарсани ейиш.

Абдулҳақ ибн Сайфиддин ал-Қодир ад-Деҳлавий

***

Донодан сўрадилар:

— Инсон учун ҳаётда энг қимматли ва энг муҳим нарса нима, бойликми ёки шон-шуҳратми?

— На бойлик ва на шуҳрат инсонни бахтли қила олади. Касалманд шоҳдан соғлом гадо бахтлидир.

А.Шопенгауэр

Чол кўзига ёш олибди, қўлини очиб, узоқ дуо қилибди:

— Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, — дебди у чеҳраси очилиб.

Донолар бисотидан

***

Ўтириб ишласанг, туриб дам ол. Ўз олдингга улуғ бир мақсад қўйган бўлсанг, бу йўлдаги машаққатни дам олиш деб бил.

Эрон мақоли

Агар соғлиғингда югурмасанг, касаллигингда югурасан.

Гораций

Бир ишёқмас бемор бўлиб, ётиб қолибди. Табиб келганда уни боласи елпиб ўтирган экан. Шунда табиб:

— Ўзини ўзи елписин, шоҳ мушаклар ҳаракатга келиб, қонлар юришиб кетса, — дебди.

Зол-Зар

Беш хил аёллар учун азият чекса арзийди: олижаноб, покиза ва гўзаллар учун;

ақлли, қаноатли, иффатли, вафолилар учун;

бутун ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб ўзини ва номусини сақлаганлар учун;

яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганлар учун;

юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуғ бўлганлар учун.

«Калила ва Димна»дан.

Назира БОЙМУРОДОВА тайёрлади

Ободлик кўнгилдандир

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умумхалқ хайрия ҳашарида **ПОЙТАХТИМИЗ** аҳли ҳам юксак ташаббускорлик кўрсатиб иштирок этишди. Унда 562669 нафар аҳоли иштирок этди. 461,5 гектар майдон ободонлаштирилди. 77 та зиёратгоҳ ҳамда қабристонлар тартибга келтирилиб, 62333 туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Ҳашар йўли билан 9560 м.кв. уй-жойлар таъмирлаб берилди. 1732 та эҳтиёжманд оила ҳолидан хабар олиниб, уларга 61 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

* * *

ТОШКЕНТ вилоятида умумхалқ ҳашари юқори кўтаринкиликда ўтди. Меҳнат байрамида қатнашган фуқаролар сони 1732,8 минг кишини ташкил этди. Уларнинг аксарият қисми ўз иш жойларида меҳнат қилишди. Шу куни 8957,7 гектар майдон ободонлаштирилди. 6623 тонна чиқинди белгиланган жойга чиқариб ташланди. 4275 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. Кўплаб манзарали, мевали ва гул кўчатлари ўтқазилди.

3302 та эҳтиёжманд оилага мурувват ёрдами кўрсатилди. Жумладан, Оҳангарон туман Ғаллақудуқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 39 та оилага 1 қопдан ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бепул тарқатилди.

* * *

Умумхалқ хайрия ҳашари НАВОИЙ вилоятида зўр кўтаринкилик билан ташкил этилди. 1500 гектар майдон ободонлаштирилиб, хиёбонлар, гузарлар, кўча ва хонадонлар ораста кўриниш олди. 800 километр ариқ қазилиб, 90 минг туп турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ҳашарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол қатнашди. 82 нафар ёлғиз, ногирон ва беморлар ҳолидан хабар олинди. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда юзга яқин ёрдамга муҳтожларнинг турар-жойлари таъмирлаб берилди.

Шунингдек, бир гуруҳ ходимлар Кармана туманида жойлашган бирлашма тасарруфидаги «Ишонч» болалар оромгоҳида ободончилик ишларини бажаришди. 200 та терак кўчати ўтқазилди. 1,5 тонна чиқинди чиқарилди.

* * *

БУХОРО. Вилоятда ташкил этилган хайрия ҳашари чинакам меҳнат байрамига айланди. Унда 802804 нафар фуқаро қатнашди. Ҳашарда 1483 гектар майдон ободонлаштирилди. 8144 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга чиқариб ташланди. Вилоят ҳудудидаги 835 та зиёратгоҳ ва қутлуғ қадамжолар тартибга келтирилди.

Боғ ва гулзорлар сатҳини кенгайтириш мақсадида 250 минг тупга яқин манзарали, салкам 68 минг туп мевали ва 405 минг тупдан зиёд тут, 93155 туп гул кўчатлари ўтқазилди.

Ҳашар кунлари боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз, ногиронларнинг ҳолидан хабар олиниб, эҳтиёжмандларнинг 14396 квадрат метр уй-жойлари таъмирлаб берилди. 661 та оилага мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Бунга 41 млн. 261 минг сўм сарфланди.

* * *

Умумхалқ хайрия ҳашарини СИРДАРЁЛИКЛАР ҳам уюшқоқлик билан ўтказишди. Меҳнат байрамида 357660 киши фаол қатнашиб, кўча, хиёбон, маҳалла, олис қишлоқларда кенг кўламли ишлар бажарилди.

Ҳашарда 1379,9 га майдон ободонлаштирилди. 738,9 км. масофадаги ариқ-зовур тозаланиб, 283 та зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди. 199367 туп манзарали, 105 минг туп мевали, 98797 туп тут дарахти, 259572 туп гул кўчатлари экилди.

Эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг 18248 квадрат метрли турар-жойи таъмирланди. Шунингдек, 1814 та эҳтиёжманд оилага 62 млн. 826 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

* * *

ЖИЗЗАХ. Умумхалқ хайрия ҳашарида вилоят аҳлининг бунёдкорлик ва яратувчанлик фазилати яна бир карра намоён бўлди. «Ободлик кўнгилдан бошланади» шиори остида 657 минг киши кўмагида минг километрлик ариқ-зовур тозаланди. 331 та зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилди, 2500 тонна маиший чиқиндилар ташиб чиқарилди.

Мингта оилага мурувват ёрдами кўрсатилди. Эҳтиёжманд оилаларнинг уйлари таъмирлаб берилди.

Қалбида ёшлик шижоати билан бирга бағрикенглик, жипслик ҳиссини туйган 394 минг нафар жиззахлик ёшлар ҳашарда фаол қатнашдилар.

Вилоят касаба уюшма фаоллари ушбу тадбирда бош-қош бўлишди.

* * *

СУРХОНДАРЁ. Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари воҳада тозалик ва ободонлик ишлари кенг кўламда олиб борилди.

— Вилоят аҳли ушбу тадбирда халқимизга хос меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик фазилатларини намойиш қилди, — дейди вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Холмўмин Эргашев. — Ҳашар кунлари 1 млн. тупдан ортиқ турли гул ҳамда 20 минг туп мевали, 15 минг туп манзарали дарахт кўчатлари экилди. 130 минг квадрат метрли уй-жойлар қайта таъмирланди. Минг нафар кам таъминланган оилага 30 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатдик.

Айтиш жоизки, ҳашарда ёшлар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Улар ўзлари таълим олаётган ўқув муассасалари ҳудудида ободончилик, кўчат ўтқазиш ишларини бажардилар.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида умумхалқ хайрия ҳашари кунлари тозалик, кўчат экиш, ариқ ва зовурларни мавсумга ҳозирлаш, боғларга шакл бериш, ободонлаштириш ишлари юқори савияда ташкил этилди.

Жумладан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтган ҳашарда ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, икки тонна чиқинди олиб чиқилди. Мевали ва манзарали кўчатлар экилди.

Қарши педагогика касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган ҳашарда 300 нафардан ошиқ ишчи-ходим, 2000 нафардан зиёд ўқувчи қатнашди. Яхши ният билан янги ниҳоллар қадалди.

(Давоми 4-бетда)

Ишонч

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқитувчилар фидойи, ўқувчилар тиришқоқ

Боёвут тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига етиб келганимизда, бу ерда ҳам ўқувчи ва ўқитувчилар маскан атрофини ободонлаштиришга бел боғлашганини кўрдик. Кимдир атрофни тозалаган, яна кимдир дарахт тагини юмшатган. Чарақлаб чиқиб турган қуёш ва гувиллаган шамол ҳам гуё барчани олға чорлаётгандек, мадад бағишлаётгандек. Шунданми, беихтиёр вужудингиз гупира бошлайди, мушакларингиз кўринмас шижоатга тўла бошлайди. Баҳор нафасига омухта туйғулар эса илҳом этакларидан торта бошлайди:

Кенгликларни истаган руҳим,
Шамолларга эргашган кўнгил.
Гуллар билан дўстлашиб олиб
Узоқларга кетамиз юргил!

Коллеж биносига кираверишдаги кенгина залда маскан фаолияти, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳаётига оид плакат ва стендлар эътиборимизни тортди. Аълочи ўқувчи ва фахрий устозлар расмлари нафақат ифтихор, балки бошқаларни ҳам ўқишга, изланишга чорлашдан нишона. Яна бир муҳим жиҳати, бу ерда коллеж фаолияти билан атрофлича танишиш имкони бор. Бу эса фарзандини ўқитмоқчи бўлган ота-оналар ва бошқа ташриф буюрувчилар учун яхши қулайлик. Шунингдек, маънавият ва маърифат хонаси ёнида юртимизнинг гўзал жойлари, табиати, умуман, бўй-бастини намоён этувчи расмлар галереяси ерга, табиатга бўлган муҳаббатингизни янада ошириб юборса, ажаб эмас. Хонада марказий ва маҳаллий нашрлар тартиб билан столларга қўйилган. Туман, вилоят ва мамлакатимиз миқёсида чоп этилган бадиий, ижтимоий ва ўқув адабиётлари ўқувчиларга мунтазир.

— Коллеж касаба уюшмаси яқинда тармоқ тизимига ўтказилди, — деди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Боёвут туман кенгаши раиси Юсуф Омонликов. — Ҳозирда тармоқда 22 та бошланғич ташкилот, 5444 нафар аъзо бор. Фермерларни сафимизга жадал суръатлар билан қабул қилаяпмиз. Қувонарлиси, барча ташкилотларда жамоа шартномалари тузилди. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласида ҳам амалий ишларга қўл урмоқдамиз.

Кимё хонасида лаборатория машғулотлари учун барча керакли жиҳозлар мавжуд. Деворлардаги стендларда кимё фани ҳамда соҳа фидойилари ҳақида маълумотлар акс этган. Оқ халатли ўқувчилар устози кўмагида билимини мустаҳкамлаш, турли тажрибалар ўтказиш билан овора.

— Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган таълим соҳасидаги халқаро конференция бизни ғоят қувонтирди. Дунёнинг кўплаб давлатларидан келган вакиллар соҳадаги ислоҳотларни эътироф этиб кетишди. Бу бежиз эмас. Ўқитувчиларимиз фидойи, ўқувчиларимиз тиришқоқ, — деди коллеж директори ўринбосари Комилжон Шарофбоев. — Ушбу юксалишларда коллежимизнинг оз бўлса-да, ҳиссаси борлигидан фахрланамиз. Ўқувчиларимизга ҳар томонлама кўмак бериш асосий вазифамиз. Шу боис соҳага доир корхоналар билан талабаларимизнинг амалиёт ўташи ва ишга жойлашишини таъминлаш бўйича шартномалар имзоланган.

Боёвут, қизларинг бунчалар хушрўй

Бу ерда бўлиб ўтган таҳририят ижодий ходимлари ва муштарийлар учрашуви ҳам баҳор нафаси каби самимий кечди. Унда касаба уюшма фаоллари, ўқувчи ва ўқитувчилар, таҳририят ходимлари иштирок этишди.

— Туманимизда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг мухлислари кўплаб топилади. «Маънавият соатлари» доирасида ўтаётган ушбу мулоқот, биринчидан, газета мазмун-мундарижасини бойитишга хизмат қилса, иккинчидан, мухлислар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олиши мумкин. Ўйлайманки, ушбу учрашув нашр мухлисларининг янада ортишига ва ўзаро ҳамкорликнинг кучайишига сабаб бўлади. — деди туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси Абдуғаффор Сатторов.

— Учрашувлар биз учун ҳисобот беришдек гап. Газетамиз орқали аҳолини юртимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, касаба уюшма фаолияти билан имкон қадар яқиндан таништиришга ҳаракат қиламиз. Газетамизнинг мазмундорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — деди таҳририят бош муҳаррири. — Коллеж билан танишиш асносида сездикки, бу ерда ишчан, меҳнаткаш жамоа ишлайди. Албатта, фаол инсонларнинг таклифлари ҳам теран бўлади. Шу боис коллеж билан янада ҳамкорликни кучайтириш бизга мамнуният бахш этади. Кела-келгунча гувоҳи бўлдик, туман ҳар соҳада юксалиш палласида деб бемалол айтиш мумкин. Бу эса сизларга янада катта масъулият юклайди. Ҳар соҳада вилоятнинг салоҳиятли аҳолиси сифатида катта муваффақиятларга эришишингизга ишончим комил.

Шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари мазмун-моҳиятига ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди. Мустақиллик ўз-ўзидан бўлиб қолмаган, бу йўлда чекилган машаққатлар мевасини бугун ҳар қадамда кўришимиз мумкин. Қувонарлиси, Юртбошимиз ўша пайтлардаёқ ислоҳотлар жараёнини олдиндан кўра олган. Бу эса халқимизнинг келажак сари дадил одимлашига замин яратди. Айниқса, ёш авлодга қаратилган эътибор таҳсинга лойиқ. Бугун улар юртимизнинг энг катта бойлигига айланишди. Улар катта имкониятлар оғушида баркамол бўлиб вояга етишяпти.

Марҳамат Шодмонова, коллеж ўқитувчиси:

— Коллежимизда байрамолди самимий, гўзал бир учрашув ташкил этилганидан жуда мамнунмиз. «Ishonch»ни мунтазам ўқиб борамиз. Қизиқарли ва долзарб мавзуларга бағишланган мақолалар билан бирга, одамлар кўнглига яқин мавзулар ҳам кенг ёритилади. Айтинг-чи, таҳририятнинг келгусидаги режалари қандай?

Таҳририят бош муҳаррири:

— Режамизда касаба уюшма фаолияти, юртимизда кечаётган жараёнларни кенг ёритиш, жумладан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида материаллар бериш кўзда тутилган. Шунингдек, газета ўқишлилигини ошириш, шу орқали мухлисларимиз сафини кўпайтиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Кўпчиликнинг фикри яхши-да. Бугун ҳам газета мазмунини бойитиш учун кўплаб ғоялар олиб кетаяпмиз.

Шундан сўнг учрашув ижодий кечага айланиб кетди. Таҳририят ижодий ходимлари ўз фикрларини билдириш бароба-

Касаба уюшма спорти

Зукколар беллашуви

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланиб, хотин-қизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Пешқадамлик учун бирлашма тасарруфидаги 13 та даволаш профилактика муассасаларида ўтган дастлабки босқич ғолиблари дона суришди.

Шашкачилар баҳсида кўп тармоқли марказий поликлиника врачи Зулфия Тўхтаева ғолиб чиққан бўлса, 2-сонли болалар шифохонаси ҳамшираси Сурайё Шониёзова иккинчи, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакили Сайёра Абраева учинчи ўриндан жой олди.

Қизиқарли ўтган шахмат мусобақасида 3-сонли катталар поликлиникаси ҳамшираси Марҳабо Рустамова биринчи, шаҳар тиббиёт бирлашмасидан Махфират Хушвақтова иккинчи, кўп тармоқли марказий поликлиника ходимаси Дилфуза Тиловова учинчи поғонани банд этди.

Суюн ТОШАТОВ,
Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Давлат муассасаслари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгаши бош ҳисобчиси Раъно Бобожоновага онаси

РАЖАББИБИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҳоббов (38 кг.), Омад Қаҳрамонов (42 кг.), Темур Сулаймонов (46 кг.), Муҳаммадмустафо Раимов (50 кг.), Жаҳонгир Мамажонов (55 кг.), Қаҳрамон Бойдадаев (71 кг.), Улуғбек Худойберганов (65 кг.), Алишер Ҳотамов (мутлақ вазн) ўз вазн тоифаларида барчадан кучли эканликларини исботлашди.

Ўсмир қизлар ўртасида наманганлик Маҳлиё Йўлдошева (33 кг.), Мунира Каримова (40 кг.), Матлуба Ҳайдарова (48 кг.), Мухлиса Абдумаликова (52 кг.), Шаҳноза Аҳмаджонова (57 кг.), Нилуфар Мирзаева (мутлақ вазн) олтин медални қўлга киритган бўлса, қолган вазн тоифаларида Мухлиса Қамбарова (Навоий, 36 кг.), Гулсанам Акмалжонова (Фарғона, 44 кг.), Ҳаётхон Жўрабоева (Фарғона, +63 кг.) шоҳсупанинг энг юқорисидан жой эгаллади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

U. Ibodinov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi:

H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - *Tijorat materiallari*

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

'Bosishga topshirish vaqti - 00. 20
Topshirildi - 01.40

Buyurtma Г — 311

23549 nusxada bosildi

i 2 3 4 5

рида туйғуларга лиммо-лим шеърларидан ўқиб беришди:

...Мана қучоғингга келдим, Сирдарё!
Кездим далаларинг, қувнадим, кулдим.
Менга сирларингни айтгин, эй дарём!
Бағрингда томирим қувватга тўлди.

Боёвут, қизларинг бунчалар хушрўй.
Ахир баҳор келмиш шоирингга ҳам.
Нам тупроқ ҳидлари бунчалар хушбўй.
Бўйладим қизиган тандирингга ҳам.

Рост сўз айтар бўлсам, қалбимдасиз, сиз.
Ҳали давом этар сиз ҳақда нақлим.
Абдулла Орифдан ўтолмаймиз биз:
«Яна топинаман ўзингга, халқим!»

боғлари



Кўз-кўзга яқин, кўнгил кўнгилдан сув ичади, деганларидек, йиғилганлар кайфиятида кўкламга монанд яшариш истаги, меҳр-муҳаббатга қоришиқ туйғулардан сармаст бўлиш хоҳиши устун экани сезиларди. Қарангки, халқимизга хос гўзал қадрият — ҳашарнинг, янгиланиш байрами ҳисобланмиш — Наврўзнинг айнан шундай кунларда нишонланишида ҳам ҳикмат мужассам.

Камолиддин Оқбўтаев, Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси:

— Давр ёшларники, улар учун барча имкониятлар етарли. Бизнинг давримизда бундай имкониятлар йўқ эди. Мисол учун, коллежда ўтириб, пойтахтимиздаги миллий кутубхонадан ёки дунёнинг исталган ўқув юрти кутубхоналаридан бемалол фойдаланиш мумкин. 12 йиллик бепул таълим тизими ёш авлод камолида муҳим асос бўлмоқда. Умуман олганда, барча соҳалардаги ютуқлар мустақиллик туфайли. Аввалари пахтани фақат хомашё сифатида етиштирган бўлсак, бугун ўзимизда қайта ишланаяпти. Пахтадан тайёр маҳсулот чиқараяпмиз. Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида ҳам қўлимиздан келганча ёрдам бераяпмиз. Талабаларни моддий рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

«Фасли навбаҳор ўлди...»

Учрашувдан кўнгилларимиз тоғдай кўтарилиб чиққанимизда, тумандаги «Олмазор» маҳалласида бўлаётган Наврўз байрамига таклиф қилишди. Айтган жойдан қолма, деган нақлга амал қилиб бордик.

Маҳалла марказида ажиб манзара: элга атаб дастурхон ёзилган, ош тортилган. Толпопукдан жамалак таққан қизалоқлар дугоналари билан қувнаб, ўйнаб юрибди. Бўй етган қизларнинг қошидан ўсма сизғичи кетмаяпти. Ёнбошларида ўғил болалар ўйнаб юрибди. Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдизлари миллий маънавиятимизнинг кўҳна сарчашмаларига туташ ҳашар кунида кенг миқёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудуратлар унутилиб, биродарлик риштаси мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини улашадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугунидан, буюк келажагидан, миллий қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаётганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаётганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришу янгиланишлардан, шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришаётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни ғаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаётган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан туғилади.

(Давоми 2-бетда)

ҳашар авжида, иш қизғин. Кираверишдаги залга кўзингиз тушиши билан мактаб фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўласиз, ишонаверинг. «Энг фаол фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» ва бошқа танловларнинг туман, вилоят, республика миқёсида совриндор ва иштирокчилари бўлган фаол ўқитувчилар учун махсус стендлар тайёрланган. Шунингдек, териб қўйилган кўплаб диплом, сертификат ва фахрий ёрлиқлар ҳам мактаб салоҳиятидан сўзлаб турибди.

— 246 нафар ўқувчи таҳсил олаётган таълим муассасамиз туманда энг ташаббускор мактаб сифатида танилган. Ўқитувчи ва ўқувчиларга барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Педагогларимиз яхши таълим бериш мақсадида доимий равишда ўз устида ишлашади. Турли танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишлари ҳам шундан. Шу билан бирга, мактабимиз бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳам барча ишларда ҳамкор, — дейди мактаб директори Сафар Мамарўзиев.

Мактабда ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит яратилган экан. Яхши жиҳозланган зал, ўғил ва қиз болалар учун ювиниш хоналари мавжуд.

— Футбол, волейбол, бадиий гимнастика, шахмат-шашка, теннис, кураш каби спорт турлари билан ўқувчиларимиз бу ерда бемалол шуғулланиши мумкин. Айниқса, кейинги пайтда қизларимизнинг бадиий гимнастикага бўлган қизиқиши ортди, — дейди мактабнинг бадиий гимнастика мураббийи Муборак Сулаймонова. — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида мактабимизнинг спорт билан шуғулланадиган ўн нафар ўқувчи қизига Президентимиз совғаси сифатида спорт формаларининг тақдим этилиши барчамизни қувонтирди. Қизларимизнинг соғлигига бўлган бу каби эътиборга, албатта, ўз муваффақиятларимиз билан жавоб берамиз.

Мактабда бошланғич касаба уюшмаларига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасига гувоҳи бўлдик. Бошланғич ташкилот хонаси барча жиҳозлар, жумладан, компютер билан таъминланган. Бу ерда касаба уюшма фаоллари учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тартиб билан териб қўйилган. Маъмурият билан 2011-2013 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари учун тавсияномалар, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қўлланмалар, «Энг намунали бошланғич ташкилот», «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан» каби танлов ва тадбирлар ижросига оид ҳужжатлар шулар жумласидан. Касаба уюшма хонасини кўриб бошланғич ташкилотлар фаолиятини мана шундай қилиб йўлга қўйса бўлар экан-ку, деган фикр хаёлимиздан кечди.

— Гувоҳи бўлиб турибсиз, мактаб маъмурияти касаба уюшма фаолияти учун барча шароитни яратиб берган. Жамоа шартномасида кўзда тутилган педагог ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги бандларни изчиллик билан амалга ошириб бораяпмиз. Уларни соғломлаштириш, спорт тадбирларини уюштириш, ходимлар фарзандларини оромгоҳларда дам олдириш, меҳнат муҳофазаси каби тадбирлар шулар сирасига киради, — деди касаба уюшма раиси Гулчеҳра Ҳайдарова.

Касаба уюшма ташкилотининг нафақат ходимлар, балки маъмуриятга ҳам нечоғли кўмак бериши мумкинлигини Г.Ҳайдарова бошлиқ касаба уюшма фаоллари фаолияти мисолида яққол гувоҳи бўлдик. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турли миқёсдаги танловлардаги фаол иштироки, қилинган ишларни кўрсата олиш, жамоанинг аҳил ва бирдамликда фаолият юритиши... Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Асосийси, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, эътибор қаратилаётгани. Иш унуми ҳам шунга яраша бўлади-да.

— Яқинда аёл педагоглар ўртасида «Онажоним — меҳрибоним» спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда 55-умумтаълим мактабидан 133 нафар ўқитувчиларимиз беллашди. Голибларга касаба уюшма совғалари тақдим этилди. Шунингдек, вилоят миқёсидаги тармоқлараро спартакиадада туманимиз муваффақиятли иштирок этиб, 9-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилноза Хайлаева шахмат бўйича 1-ўринни қўлга киритди, — деди туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Тўлқин Мирзақобилов.

Сафаримиз қаримади

Биз қалби қайноқ, юзидан нур ёғилиб турган, ишонч билан дадил қадам ташлаётган, бир-бирини авайлаб, йиқилса ўмганидан суяётган юртдошларимиз билан бир кунни ўтказдик — саодатга, меҳрга тўлдик. Бу лаҳзаларни умрбод қалбимиз тўрида асрамоқни дилга туйдик.

Донолар ишончи йўқ одамнинг эртаси йўқ, деб айтадилар. Демакки, бизнинг эртамиз, келажагимиз бор. Бизнинг ишонч боғларимиз гуллаб турибди. Ҳадемай ҳосил бергуси. Бизнинг эртанги кундан умидимиз, ниятимиз кўп. Ишонч — мўжиза яратади, дейдилар. Биз инондик, сиз-да инонинг деб, ният қиламиз, қадрдон...

Акмал ТОШЕВ,
Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбирлари.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

ık бўлсин,
ar!
atsiyasi gazetasi
Ishonch
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
2012-yil 23-mart № 38 (3075) juma

laниш айёми

idаги Ўзбекистон тган Наврўз байрами н репортаж

б-тубигача етиб боради. Ана ндай сеҳрли наво оғушида йдон теграсидаги улкан мо торларда юртимизнинг сн-малоҳатда тенгсиз табии, бетакрор қадимий обидарию замонавий меъморчик анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугуни кўрку таровати, фидойи ватандошларимиз, йигит ва қизларнинг шижоатли қиёфаси намоён бўлади.

Эрта тонгданоқ ораста шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай, ноғораю доира садолари янграйди. Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар қалбидаги шодумонлик уларнинг юз-кўзларида акс этади. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак таққан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволаналётган варракларга қадалган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқади.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-мурувват айёми. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча анъана ва удумларимизда, марака ва маросимларимизда, айниқса Наврўз фалсафасида янада теран намоён бўлади. Маҳалла-кўй, эл-юрт ҳамжиҳатликда ҳашарга отланади. Ариқ-зовурлар тозаланади. Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдизлари миллий маънавиятимизнинг кўҳна сарчашмаларига туташ ҳашар кунида кенг миқёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудуратлар унутилиб, биродарлик риштаси мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини улашадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугунидан, буюк келажагидан, миллий қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаётганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаётганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришу янгиланишлардан, шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришаётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни ғаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаётган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан туғилади.

(Давоми 2-бетда)

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъанаудумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

...Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нуроний чеҳрасидан, дуогўй момоларнинг эзгу тилакларидан, тонгни бешик қучиб қаршилаган оналар алласидан бошланади бу кун. Саррин еллар қанотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этмайдиган лайлаклар хаёлотида кириб келади у. Наврўз навоси янграйди. Халқимизнинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бутун юртимиз узра парвоз айлайди. Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу муаттар насим ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалбга кириб боради.

Муаззам майдон узра майин куй таралади. Кўклам соғинчи, табиатга ошуфталик, она заминга муҳаббат, севги ва садоқат, эртанги ёруғ кунларга ишонч ҳисси билан йўғрилган бу нафис оҳанг уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг чуқурларидан жой олади. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, ёш келин-куёв поёндоздан юриб ўтади.

Маҳалла оқсоқоли Салимқул Жўлбеков билан суҳбатлашганимизда қизиқ гапни айтиб берди. Ортиқбой ака деган саховатпеша одам куёв бўлмишга уйлансанг, тўйингнинг бир чеккасини мен кўтараман, деб ваъда берган экан. Минг афсуски, Ортиқбой ака ваъдасини бажаришга улгурмай қазо қилибди. Унинг ваъдасини фермер ўғли Сирожиддин Йўлдошев бажарибди. Биз жим қолдик, ҳайрон қолдик. Элнинг устидаги одатларни кўриб, тўлқинланиб, мижжаларимизга ёш келди, десак, ёлғонни симирмаган бўлармиз. Ўзбек — мана шундай гапида турадиган халқ! Айтинг, айтинг, яна қайси элда мана шундай собит, улуғ одамгарчилик бор?! Ўзбекнинг ўзи билмайдиган, кундалик одатларига айланиб кетган буюклиги шуларда эмасми, қадрдон?..

Тўйда ҳозир бўлган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Камолиддин Оқбўтаев ёш оилага касаба уюшмасининг совғасини тақдим этди. Зеро, бу йил — Мустаҳкам оила йили. Касаба уюшмалари бу йил ўз олдига қўйган устувор вазифалардан бири — ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кўмак бериш.

Шу палла даврага бир тўп дуркун қиз чиқиб келди. Эгниларида миллий матолардан тикилган, ўзбеклигимизни билдириб турувчи, ярашиқли кийимлар. Суриштирсак, бу кийимлар маҳалла гузарида ташкил этилган ўқув марказида тикилган экан.

— Яхши ният билан аёллар учун «Маржона» ўқув марказини ташкил этгандик, — деди ёш раҳбар Гулсара Раҳмонова. — Ҳозирда ўн нафар шогирдим бор. Улар билан биргаликда аёллар кийимлари, мактаб формалари, келинлик сарполари тикаяпмиз. Маҳсулотларимиз харидоргир бўлмоқда. Насиб этса, бу ерни «Машҳура»-дай катта ўқув марказига айлантирмоқчимиз. Шунда яна кўплаб қизлар касб-ҳунарли бўлишади. Тикув цехимиз ҳам ишлаяпти. Унинг фаолиятини кенгайтиришни ҳам режалаштирганмиз.

Юртимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилган. Гулсара Раҳмоновадай ёшлар юртимизнинг ҳар бир гўшасида юзлаб-минглаб топилишига ишонамиз. Зеро, яхши ният билан иш бошлаган, ўз манфаатини жамият манфаати билан уйғунлаштира олган тадбиркор давлатимиз ҳимоясида, элнинг олқишида.

Салоҳиятга яраша унум

Тумандаги 5-умумтаълим мактабига кириб борганимизда ўзгача бир саришталикнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ҳам ўртага чиқсин!

Ёш полвонлар белбоғини бўйинга ташлаб, давра айланади, мўйсафидлардан дуо олади. Киприкларигача оппоқ отахон дуога қўл очади:

— Икковингни ҳам полвон пирлар қўлласин, бўталарим. Ҳалол олишиб, элга томоша кўрсатинглар! Ол, ҳалолига буюрсин!

Полвонлар бир-бирининг белбоғидан ушлашади, йиқитмоқчи бўлиб чил беради. Билсангиз керак, белбоғли курашда бели бақувват йиқади. Мана, Дилшод полвон Жаҳонгир полвонни даст кўтариб, ўнганига олдию ёнбошига боплаб йиқитди! Давра гуриллайди: ҳалол!!!

Мағлуб полвоннинг акаси борми, қариндоши борми даврага югуриб чиқади: орига мен борман! Мен чиқаман, баковул бува!

Ўзбекнинг улуғ, ор-номусни тарбиялайдиган, эркакни эркак қиладиган одатларидан бири бу. Зеро, болалигидан маҳалласи, қишлоғи, яқини номусини ҳимоя қилолган эркаккина вақти келиб, юрти учун тап тортмай ор талашади. Эли боши букилса, қаро ерга киради эр киши. Зеро, халқимиз орини йўқотган эркакни азал-азалдан жамоатга қўшмаган, саломига алик олмаган, қиз олиб, қиз бермаган...

Тўй тўйга уланиб

Даврада қий-чув қилиб турсак, ёш болалар келин келди, келин келди, деб югургилаб қолишди. Билсак, бугун маҳалла аҳли жам бўлиб, бир оиланинг бунёд бўлишига ҳисса қўшаётган экан: тўй!

Ижодкор халқи борки, қонида жиндек мақтанчоқлик билан туғилади. Қон билан кирганнинг қачон чиқишини яхши биласиз. Шу жойда бироз мақтансак, уят қилмассиз: «Ishonch»нинг қадами ана шундай қутлуғ-да, қадрдон...

Тўйимизни биласиз, жамоасиз ўтмайди. Ўзбекка индамасанг, Марсдан ҳам меҳмон чақиради. Карнай-сурнай, гумбаданг-қарс! Ёр-ёр айтилади. Қони гупурган йигитлар қани деб, ҳайрон бўлиб турганимизда бир тарафдан давранинг ҳайбаракаллоси эшитилиб қолса денг! Бориб бўйласак, тумонат одам давра ҳосил қилган: ҳа, ҳа, топдингиз, кураш!

Баковул жар солади:

— Халойиқ, эшитмадим дема! Ўнг тарафимдаги «Тараққиёт»дан Дилшод полвон! Чап тарафимдаги «Олмазор»лик Жаҳонгир полвон! Буларга ўн минг сўм пул, бир гилам қўйилди. Зот атаган мард бўлса ўртага чиқсин!

Ёш полвонлар белбоғини бўйинга ташлаб, давра айланади, мўйсафидлардан дуо олади. Киприкларигача оппоқ отахон дуога қўл очади:

— Икковингни ҳам полвон пирлар қўлласин, бўталарим. Ҳалол олишиб, элга томоша кўрсатинглар! Ол, ҳалолига буюрсин!

Полвонлар бир-бирининг белбоғидан ушлашади, йиқитмоқчи бўлиб чил беради. Билсангиз керак, белбоғли курашда бели бақувват йиқади. Мана, Дилшод полвон Жаҳонгир полвонни даст кўтариб, ўнганига олдию ёнбошига боплаб йиқитди! Давра гуриллайди: ҳалол!!!

Мағлуб полвоннинг акаси борми, қариндоши борми даврага югуриб чиқади: орига мен борман! Мен чиқаман, баковул бува!

Ўзбекнинг улуғ, ор-номусни тарбиялайдиган, эркакни эркак қиладиган одатларидан бири бу. Зеро, болалигидан маҳалласи, қишлоғи, яқини номусини ҳимоя қилолган эркаккина вақти келиб, юрти учун тап тортмай ор талашади. Эли боши букилса, қаро ерга киради эр киши. Зеро, халқимиз орини йўқотган эркакни азал-азалдан жамоатга қўшмаган, саломига алик олмаган, қиз олиб, қиз бермаган...

Тўй тўйга уланиб

Даврада қий-чув қилиб турсак, ёш болалар келин келди, келин келди, деб югургилаб қолишди. Билсак, бугун маҳалла аҳли жам бўлиб, бир оиланинг бунёд бўлишига ҳисса қўшаётган экан: тўй!

Ижодкор халқи борки, қонида жиндек мақтанчоқлик билан туғилади. Қон билан кирганнинг қачон чиқишини яхши биласиз. Шу жойда бироз мақтансак, уят қилмассиз: «Ishonch»нинг қадами ана шундай қутлуғ-да, қадрдон...

Тўйимизни биласиз, жамоасиз ўтмайди. Ўзбекка индамасанг, Марсдан ҳам меҳмон чақиради. Карнай-сурнай, гумбаданг-қарс! Ёр-ёр айтилади. Қони гупурган йигитлар қани деб, ҳайрон бўлиб турганимизда бир тарафдан даврани

Баҳор ташрифи

Сен кўнгилнинг самовий рақси
Зеби жаҳон кўркининг нақши,
Сен фаришта, мен куйчи баҳши —
Баҳор бўлиб келганинг яхши

Қаҳратондан қақшади жоним,
Соғинчларга ташлади ғаним.
Ташрифингдан яшнади таним —
Рафтор бўлиб келганинг яхши.

Ғолиб тўғдай адирлар алвон,
Чучмомалар уради жавлон
Жилвасида жаннату ризвон —
Бедор бўлиб келганинг яхши.

Ҳар гиёҳда висол хислати,
Ҳар қиёқда завол қисмати.
Сен ғанимат дийдор нисбати —
Дийдор бўлиб келганинг яхши.

Шўх нозларинг иффор насимли
Гул юзларинг бунча ёқимли,
Бол сўзларинг ғунча тотимли —
Дилдор бўлиб келганинг яхши.

Эй фасли гул, фасли мастона,
Эртаклардан келган афсона
Малаксиймо, қадди Руҳшона —
Зуннор бўлиб келганинг яхши.

Таърифингга қўшмадим пардоз,
Қадамингга қуёш пойандоз.
Сен мангу ишқ, туғёндаги соз —
Баҳор бўлиб келганинг яхши.

Нуруллоҳ ДОСТОН

Ўқинг, амал қилинг: ўзингизга фойда



ТАБИАТН БЕБАҲО

Бу йилги баҳор кечиккандай кўринади. Шунга қарамай, кўча-кўйда бош кийимсиз ёки бўлмаса, енгил кийиниб олган ёш-яланғларни кўплаб учратиш мумкин. Нима бу, чиниққанлик белгисими ёки...

«Тани соғлик шундай маҳфий давлатки, қадрини ундан айрилган кишиларгина билади» дейилади араб ҳикматларида.

Шифокорнинг вазифаси даволашдан кўра касалликларнинг олдини олиш, кишини ўз соғлиғини асрашга ўргатишдан иборат. Бизнинг ҳам заҳматкаш касб эгаларига ёрдам бергимиз келди. Бугунги саҳифамизда донишмандларнинг сиҳат-саломатлик ҳақидаги қимматли фикрларини эътиборингизга ҳавола этишни ният қилдик. Бу ҳикматлар зора сизнинг ўз соғлиғингиз ҳақида қайғуришингизга туртки бўлса.

***

«Мушук текинга офтобга чиқмайди» деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам мушукнинг офтобда исинишида ҳикмат бор экан. Тарихий манбаларда келтирилишича, кунларнинг бирида даниялик шифокор Нильс Финзен қўшнисининг томида — мўрининг ёнида исиниб ётган мушукнинг хатти-ҳаракатини кузатди. Мушук мўри сояси тушиши билан ўрнидан туриб, яна офтоб тушадиган жойга ётиб оларди. Финзен мушукнинг бу ҳаракатини кўриб, қуёш нурининг тирик организмга таъсирини ўрганишга киришди ва ундан кишиларни даволашда фойдаланди. Нильс Финзен бу ғояни муваффақиятли амалга оширганлиги учун 1903 йили Нобел мукофотига сазовор бўлди.

Баъзан, ўз соғлиғининг қадрини билмай, уни ичиш ва чекиш каби иллатларга бой бераётганларни кўриб: тавба, бу одамнинг ҳатто мушукчалик ҳам ақли йўқмикин, — деб ўйлаб қоласан киши.

***

1738 йили машҳур голланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасидан «Табобат» деб номланган қалин китоб топилди. Бу китоб ким ошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг долларга сотилди. Муҳр бузилиб, китоб очилганида унинг саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат илк варақдагина шундай сўзлар ёзилган экан:

Афлотундан сўрадил
— Денгизда жуда кў
динг, шу саёҳатингда к
йиб нарсани бизга сўзл
Афлотун деди:
— Энг ажойиби шуки,
га соғ-саломат чиқдим.

***

Киши учун саломатл
дунё эса топилади. Қуш
дон эса топилади. Инсо
унинг тилаги равшанди
омон бўлса, орзу яқинд

Абу Н

***

Айтишларича, Аҳжо
илтимос қилиб, деди:
— Менга саломатл
бўладиган нарсалард
токи табиб ва дориларга ишим тушмасин.

Табиблар унга қуйидагича жавоб бердилар:

— Бирор касалингиз бўлмаса яна ҳам яхшироқ бўлай деб беҳуда дори ичманг, пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга уринг, нимаики ёқса ўшандан тановул қилинг, овқатдан сўнг совуқ сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлса устига-устак овқат еманг, кундузи овқат егандан кейин ухламанг, кечаси егандан эса, дарров ётиб олмай, бир оз у ёқдан бу ёққа юринг.

Билингки, тўрт нарса кишининг баданини семиртириб, кучли қилади: гўштни кўп ейиш, чиройли нарсаларга тикилиш, чўмилиш ва саёҳат қилиш.

Уч нарса кўз нурини оширади: ухлаш олдидан кўзга сурма тортиш, сабзазорларга тикилиш, покиза либос кийиш.

Уч нарса кўз нурини камайтиради: душманни кўриш, хунук нарсаларга, нурга тикилиш.

Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўр ва аччиқ нарсани ейиш.

Абдулҳақ ибн Сайфиддин ал-Қодир ад-Деҳлавий

***

Донодан сўрадилар:

— Инсон учун ҳаётда энг қимматли ва энг муҳим нарса нима, бойликми ёки шон-шуҳратми?

— На бойлик ва на шуҳрат инсонни бахтли қила олади. Касалманд шоҳдан соғлом гадо бахтлидир.

А.Шопенгауэр

Чол кўзига ёш олибди, қўлини очиб, узоқ дуо қилибди:

— Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, — дебди у чеҳраси очилиб.

Донолар бисотидан

***

Ўтириб ишласанг, туриб дам ол. Ўз олдингга улуғ бир мақсад қўйган бўлсанг, бу йўлдаги машаққатни дам олиш деб бил.

Эрон мақоли

Агар соғлиғингда югурмасанг, касаллигингда югурасан.

Гораций

Бир ишёқмас бемор бўлиб, ётиб қолибди. Табиб келганда уни боласи елпиб ўтирган экан. Шунда табиб:

— Ўзини ўзи елписин, шояд мушаклар ҳаракатга келиб, қонлар юришиб кетса, — дебди.

Зол-Зар

Беш хил аёллар учун азият чекса арзийди: олижаноб, покиза ва гўзаллар учун;

ақлли, қаноатли, иффатли, вафолилар учун;

бутун ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб ўзини ва номусини сақлаганлар учун;

яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганлар учун;

юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуғ бўлганлар учун.

«Калила ва Димна»дан.

Назира БОЙМУРОДОВА тайёрлади

Ободлик кўнгилдандир

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Наврўзолди хайрия ҳашарида иштирок этган 1 млн. 500 мингдан зиёд қорақалпоғистонликлар қалбида жўш урган ғайрат-шижоат юрт ободлигида акс этди. Уларнинг салкам бир миллиони ёшлардир.

Ҳашарчилар 712,8 километрлик ариқ-зовурларни тозалашди. 532,5 гектар майдон ободонлаштирилди. Уч минг тоннадан зиёд маиший чиқинди чиқариб ташланди. 132,7 минг туп манзарали, 37,7 минг туп мевали, 23,3 минг туп тут, 11,5 минг туп гул кўчатлари экилди. 290 та қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди.

Кам таъминланган хонадонларга алоҳида эътибор қаратилди. 23789,4 метр квадрат уй-жойлар ҳашар йўли билан таъмирланди. 2038 оилага 36784,9 минг сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Амударё туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари, айниқса, ҳашарда фаол иштирок этишди.

* * *

ХОРАЗМ. Салкам бир миллион киши иштирок этган ҳашарда 5927 гектар майдон ободонлаштирилди. Ҳашарчилар кўмагида 7327 тонна маиший чиқиндилар чиқариб ташланди. Мевали ва манзарали дарахт, тут ва гул кўчатлари ўтқазилди. Вилоятдаги 578 та қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди.

Шунингдек, ҳашар кунлари кексалар ва боқувчисини йўқотганларнинг 23990 метр квадрат уй-жойлари таъмирланди. 1487 та оилага 72350 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Айниқса, Урганчдаги 18-умумтаълим мактаби жамоаси ҳашарни ўзгача кайфиятда ўтказди. Боиси, шу кунларда мактаб фаолиятининг 25 йиллиги кенг тантана қилинди. Устоз-мураббийлар бошчилигида ўқувчилар мактаб жойлашган 29-маҳалланинг кўп қаватли уйлари атрофини ободонлаштириб, чиқиндидан тозалашди.

* * *

АНДИЖОН вилояти шаҳар ва қишлоқларида 881249 киши умумхалқ ҳашарида қатнашди. Уларнинг 660936 нафарини ёшлар ташкил этди.

Ҳашарчилар томонидан 1577,4 гектар ер ободонлаштирилди. 1856,3 тонна чиқиндилар чиқариб ташланди. Ҳашарга 412 та техника ва автотранспорт воситалари жалб этилди. 1114,1 километр узунликдаги ариқ ва зовурлар, 508 та зиёратгоҳ ва қабристон тозаланди. 1 млн. тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар, 1 млн. 300 минг тупга яқин гул кўчатлари ўтқазилди.

— Ҳашар кунлари 2694 та эҳтиёжманд оилага ҳомийлар томонидан 43 млн. 829 минг сўмлик моддий кўмак кўрсатилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Икромжон Валиев. — Ҳашардан тушган маблағ маҳаллалар ободлиги билан бирга аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

* * *

НАМАНГАН вилоятида бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида 1993 минг киши иштирок этди. Шундан 1208 нафари ёшлар экани диққатга сазовор. Улар кўмагида 3554 га майдон ободонлаштирилди, 4505 тонна чиқинди белгиланган жойларга чиқариб ташланди.

2167 км.лик ариқ ва зовурлар тозаланиб, мавсумга шай этилди. 478 минг туп манзарали, 442 минг туп мевали, 142 минг туп тут, 673 минг туп гул кўчатлари экилди.

4745 нафар оила ҳолидан хабар олиниб, бу мақсад йўлида 118832 минг сўм сарфланди.

* * *

САМАРҚАНД вилоятида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди.

Ҳашарда 1 миллион 207 минг нафар фуқаро, жумладан, 876 900 нафар ёшлар фаол иштирок этди. Ҳашарчилар томонидан 1760 минг гектар ҳудуд маиший чиқиндилардан тозаланди. Ариқ ва зовурлар тартибга келтирилди. 1063 та қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Шунингдек, 566 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 770400 та гул кўчатлари ўтқазилди. 1 млн. 689 мингта дарахт оқланиб, уларга шакл берилди.

Кам таъминланган оилаларга 67 млн. 624 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

* * *

ФАРҒОНА вилоятида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик руҳида ўтди. Саноат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар бинолари, дала ва боғларда тозалаш, дарахт ва гулларни буташ каби ишлар амалга оширилди.

— Корхонамиз ишчи-хизматчилари умумхалқ хайрия ҳашарида фаол қатнашдилар, — дейди «Водийгазтаъминот» УК касаба уюшма қўмитаси раиси Турғунбой Аҳмедов. — Вилоят шаҳар ва қишлоқларидаги корхонамизга тегишли 13 гектардан ортиқ ер майдонлари ободонлаштирилди. Салкам 6 километр узунликдаги зовур ва ариқлар тозаланди. 4 минг тупга яқин турли мевали ва мевасиз дарахтларга шакл берилди, оқланди.

«Қўқон нефт базаси» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитасининг раиси М.Шариповнинг айтишича ишчи-хизматчилар корхона ҳудудини ободонлаштириш билан бир қаторда, шаҳардаги 5 та зиёратгоҳ ва қабристонларда ҳам тозалаш, кўкаламзорлаштириш ишларида иштирок этдилар. 9 нафар эҳтиёжманд оилаларга пул маблағлари берилди. Қўқон ёғмой комбинати жамоаси эса ёрдамга муҳтож оилалар уйларини таъмирлаш мақсадида 3 та оилага 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Ўз мухбирларимиз

Фаришталар таоми

Сумалакни татиб кўриш бир савоб бўлса, уни тайёрлаш икки савобдир. Меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоячиси бўлмиш вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари баҳорнинг сербарака кунларини шу таомни тайёрлаш завқи билан қарши олишди.

Яхши ишлаган яхши дам олишни ҳам билади, нақлига амал қилган ҳолда куй-қўшиқлар, лапарлару термалар садоси остида дастурхонга тортилган сумалак таъми тилларда эрийдиган бўлди.

— Умумхалқ байрамига муносиб ишларни амалга ошириш учун астойдил киришганмиз, — дейди бўлим мудири Ҳамидхон Дадабоев. — Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 1710 кишига 42065,8 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 524 кишига (12637,2 минг сўм) кийимкечак ва совғалар туҳфа қилинган бўлса, 41 нафар эҳтиёжмандга 1094,2 минг сўмлик дори-дармон олиб берилди.

Меҳрибонлик, «Мурувват», «Саховат» уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ҳам диққат марказида бўлди. Ушбу масканларда истиқомат қилувчиларга 1304 минг сўмлик маблағ сарфланди.

— Наврўз — эзгулик, оқибат ва ёруғ кунлар тантанаси. Бу байрамга фақат ва фақат яхшиликлар ярашади. Касаба уюшмаларининг устувор мақсадларига ҳамоҳанг байрам шукуҳи қалбларга кўчсин, деган эзгу-ўй билан дошқозон кавлаётирмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Ўчоқбошидаги ниятлар ижобат бўлғусидир.

Д.РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Фарғона водийсида кўклам элчиси Наврўз байрами олдидан даршона йиғинлари бўлиб ўтмоқда. Тадбир дала ёки қирларда ўтказилиб, унда жонлиқ сўйиш одатга айланган.

Даршона

Ўзбекистон тумани Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Олмазор» маҳалласидаги тадбирда юрт оқсоқоллари баҳорги юмушлар арафасида фотиҳага қўл очиб, юртга тўкин-сочинлик, файз-барака тиладилар.

— Даршона ота-боболаримиздан қолган урф-одат бўлиб, баҳор юмушлари олдидан деҳқонларга яхши кайфият улашиш мақсадида ўтказилади, — дейди ҚФЙ раиси Одилжон Худойназаров. — Кўчалар яна бир бор тартибга келтирилиб, ариқ-зовурлар ковланади. Маҳалла ва қишлоқ аҳли галдаги вазифаларни белгилаб олишади.

Тадбирлар бошқа ҳудудларда ҳам давом этмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Айём таровати

Қарши шаҳри амфитеатри мажмуасида ўтган тадбирда вилоят ҳокими Т.Жўраев воҳа аҳлини баҳор ва янгиланиш байрами билан қутлади. Озод ватан мадҳи ва Наврўз таровати тараннум этилган куй-қўшиқлар, лапару ўланлар барчанинг қалбини ром этди.

Шунингдек, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, қишлоғу маҳаллаларида, корхона ва муассасаларда Наврўз тадбирлари кўтаринки савияда нишонланди.

Жумладан, «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси шафелигида 40 нафар ходимнинг фарзандларининг суннат тўйлари байрам тантаналарига уланиб кетди. Болажонларга совғалар топширилди, ҳисоб рақамлари очилиб, пул маблағи ўтказиб берилди.

Юбилей ёшидаги фахрийларга эҳтиром кўрсатилиб, нафақага чиққанлар ҳолидан хабар олинди. Корхонага қарашли «Зиварда» мажмуасида ишчи-ходимлар ўртасида йирик кураш мусобақаси ташкил этилди. Ғолиблар муносиб тақдирланди.

Корхона тасарруфидаги мажмуа, кон ва цехларда сумалак сайиллари, байрам тадбирлари давом этмоқда.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

Ижтимоий шериклик

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт ҳамкорлигида «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳалари юзасидан давра суҳбати ташкил этилди. Унда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳлари аъзолари, ННТлар вакиллари, манфаатдор идора ходимлари, ҳуқуқшунослар қатнашди. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи раҳбари, ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева давра суҳбатини бошлаб берар экан, Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган фуқаролик жамияти институтлари фаолияти билан боғлиқ қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан қизғин иш олиб борилаётганини таъкидлади.

Жумладан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этилди. Лойиҳа ЎзКУФК ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг расмий сайтларига жойлаштирилиб, фуқаролардан онлайн тарзда таклифлар қабул қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳарларда икки босқичда давра суҳбатлари ташкил этилди.

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркорлигини таъкидлаган эди, — деди ўз маърузасида Т. Нарбаева. — Юртбошимиз томонидан қўйилган талабларни бажариш мақсадида экспертлар гуруҳи 4 марта йиғилиш ўтказди. Гуруҳ ичида учта ишчи ҳамда битта мустақил ишчи гуруҳ ташкил этилди. Қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган давра суҳбатларида 50 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, 1500 га яқин фуқаролар иштирок этди. Суҳбатлар жараёнида Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт томонидан жамоатчилик орасида сўров ўтказилиб, 200 дан ортиқ таклиф тўпланди. Таклифлар тегишли идоралар иштирокида ўрганилиб, асосланган лойиҳада ўз аксини топди.

Давра суҳбатида ЎзКУФК юридик бўлими мудири У. Гозиев Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ривожланган давлатлар, жумладан, Германия, Бразилия, АҚШ, Япониянинг ушбу соҳадаги илғор тажрибаси ўрганилганлиги, ижтимоий шерикликнинг тарихий ривожланиш босқичлари ҳақида маъруза қилди. Маърузачи мазкур лойиҳа замонавий талабларга тўла мос келиши, уни ишлаб чиқишда демократия тамойиллари ҳисобга олинганини таъкидлади.

Шунингдек, мунозаралар чоғида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи аъзоси, Тошкент давлат юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедраси мудири М. Нажимов ижтимоий шериклик механизмларини белгилаб берадиган қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилиши лозимлигини, бундай механизмларни қонуннинг ўзида акс эттирилиши қонунчилик техникасига мос келмаслигини айтиб ўз таклифини билдирди. Қонун лойиҳасига қонунийлик ва шаффофлик каби тамойилларни киритиш тарафдори эканини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакати-

ҳоров (38 кг.), Омад Қаҳрамонов (42 кг.), Темур Сулаймонов (46 кг.), Муҳаммадмустафо Раимов (50 кг.), Жаҳонгир Мамажонов (55 кг.), Қаҳрамон Бойдадаев (71 кг.), Улуғбек Худойберганов (65 кг.), Алишер Ҳотамов (мутлақ вазн) ўз вазн тоифаларида барчадан кучли эканликларини исботлашди.

Ўсмир қизлар ўртасида наманганлик Маҳлиё Йўлдошева (33 кг.), Мунира Каримова (40 кг.), Матлуба Ҳайдарова (48 кг.), Мухлиса Абдумаликова (52 кг.), Шаҳноза Аҳмаджонова (57 кг.), Нилуфар Мирзаева (мутлақ вазн) олтин медални қўлга киритган бўлса, қолган вазн тоифаларида Мухлиса Қамбарова (Навоий, 36 кг.), Гулсанам Акмалжонова (Фарғона, 44 кг.), Ҳаётхон Жўрабоева (Фарғона, +63 кг.) шоҳсупанинг энг юқорисидан жой эгаллади.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Зукколар беллашуви

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланиб, хотин-қизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Пешқадамлик учун бирлашма тасарруфидаги 13 та даволаш профилактика муассасаларида ўтган дастлабки босқич ғолиблари дона суришди.

Шашкачилар баҳсида кўп тармоқли марказий поликлиника врачи Зулфия Тўхтаева ғолиб чиққан бўлса, 2-сонли болалар шифохонаси ҳамшираси Сурайё Шониёзова иккинчи, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакили Сайёра Абраева учинчи ўриндан жой олди.

Қизиқарли ўтган шахмат мусобақасида 3-сонли катталар поликлиникаси ҳамшираси Марҳабо Рустамова биринчи, шаҳар тиббиёт бирлашмасидан Махфират Хушвақтова иккинчи, кўп тармоқли марказий поликлиника ходимаси Дилфуза Тиловова учинчи поғонани банд этди.

Суюн ТОШАТОВ, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Давлат муассасаслари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгаши бош ҳисобчиси Раъно Бобожоновага онаси

РАЖАББИБИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

U. Ibodinov
Musahhih: S. Shodiyeva
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
(h) - Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.
Bosishga topshirish vaqti - 00. 20
Topshirildi - 01.40
Buyurtma Г — 311
23549 nusxada bosildi
1 2 3 4 5

Мурувватдан нурафшон диллар

ЖИЗЗАХ.

Фусункор таровати, қутлуғ қадами билан кириб келаётган Наврўз дилларда гул очиб, эзгуликларга ундамоқда.

Жойларда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, таниқли санъаткорлар иштирокида концерт, байрам тантаналари ташкил этилмоқда. Меҳнат фахрийлари, эл ардоғидаги инсонлар билан учрашув, ижодий кечалар уюштирилаяпти.

Анъанага кўра кўп болали, кам таъминланган, ёлғиз оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват кўрсатилмоқда. Ана шундай оилалардан 276 нафарига 8 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

«Марказгазтаъминот»нинг Жиззах ҳудудий бирлашмаси, «Жиззахэлектртармоқлари» ОАЖ каби корхоналарда меҳнат қилаётган 50-60 нафар эҳтиёжманд оила аъзолари ҳам ана шундай мурувватдан баҳраманд бўлишди.

* * *

ГУЛИСТОН.

Яратувчанлик ва бунёдкорлик ишқи билан яшаётган сирдарёлик касаба уюшма фаоллари Наврўзолди тадбирлари режасини бекаму кўст амалга оширмоқда.

Вилоятда кам таъминланган, эҳтиёжманд 1258 та оила касаба уюшма маблағидан 10,7 миллион сўмлик моддий ёрдам олди. Шунингдек, 88 нафар оила аъзолари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш мақсадида 40,4 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Биргина вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан мурувват ва саховат йўлида 4 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Кишилар ўртасида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқимизга хос эзгу қадриятларни кенг тарғиб этишда Наврўз айёмининг ўрни алоҳида. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимида байрам муносабати билан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Қадриятларни қадрлаймиз

Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож Жиззах шаҳри «Қассоблик» маҳалласидаги Ҳошимовлар хонадони моддий қўллаб-қувватланди. Ушбу оила фарзанди — Тошкент тиббиёт академиясининг 3-босқич магистранти Б.Ҳошимовнинг контракт шартномаси тўлови учун Марказий кенгаш ҳисобидан 1 млн. 360 минг сўм ўтказиб берилди.

Шунингдек, сув тошқини оқибатида уйлари яроқсиз ҳолга келган Ғаллаорол туманидаги Иттифоқ ва Ўрта қишлоқ врачлик пунктларининг 12 нафар тиббиёт ходимига кўмак бериш мақсадида Марказий кенгаш ҳисобидан 5 млн. сўм маблағ ажратилиб, улар кийим-кечак, кўрпа-тўшак билан таъминланди.

Бундан ташқари, Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 10 та кам таъминланган оила иқтисодини кўтариш учун товуқ олиб берилди.

Ҳудудий кенгашлар томонидан ҳам барча тиббиёт муассасалари ҳамда олий ва ўрта махсус тиббий таълим ўқув юртларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. «Қадриятларни қадрлаймиз» шиори остида байрам тадбирлари уюштириляпти.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, ёлғиз оилалар, ногирон, боқувчисини йўқотган қариялар, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритган уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат уйларига, махсус мактаб-интернатларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

Лола ХОЛМЎМИНОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси

Қалблар қувончи

Сурхондарёда Наврўз ўзгача шодиёна билан нишонланмоқда. Оммавий сайиллар уюштирилиб, халқ ўйинлари, мусобақалар, созанда ва раққосалар, масхарабоз ва дорбозларнинг чиқишлари барчага кўтаринки кайфият бағишлаётир.

Жумладан, 16 мартда Термиз шаҳридаги «Дўстлик», «Болажон» хиёбонларида Наврўз шодиёналари бўлиб ўтди. Асосий тантаналар вилоят марказидаги амфитеатрда ўтказилди. Эл суйган санъаткорларнинг куй-қўшиқлари томошабинларга бир олам завқ улашди.

Байрам арафасида вилоятнинг чекка ва олис ҳудудларида қатор янги корхоналар ишга тушди. 2010-2012 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида жарроҳлик бўлими учун бино қуриб фойдаланишга топширилди.

— Наврўз инсоний қадр-қиммат улуғланадиган кундир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси А.Аҳмедов. — Шу боис ҳам, энг аввало, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, чин етим болалар ҳолидан хабар олиб, Наврўзнинг тансиқ таоми — сумалак ва қимматбаҳо совға-саломлар улашамиз.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

ва жамоатчилик назорати

мизда 5100 дан зиёд ННТ фаолият кўрсатади. Бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 2,5 баробар кўп демакдир. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат, тадбиркорлик субъектлари, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ифода этувчи ННТ ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб, ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳамкорлигини таъминлайди.

— Мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида фуқаролик жамиятининг турли институтлари шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилди, — деди давра суҳбатида маъруза қилган Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ижрочи директори Дилшодбек Отабоев. — Улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги фикримиз исботидир. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида халқаро тажрибани ўрганиш, муҳокамаларга хорижий ННТ вакилларини жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2011 йил август ойида Словениянинг «Регионал диалог» халқаро ташкилоти билан биргаликда Тошкент шаҳри, Тошкент ҳамда Наманган вилоятларида фаолият кўрсатувчи ННТлар, давлат бошқаруви идоралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Ижтимоий шерикликни ривожлантириш — фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили» мавзусида семинарлар ташкил этилди. 2011 йилнинг декабр ойида таклиф этилган қўшимчалар билан бойитилган қонун лойиҳаси яна бир бор жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокамаларда олинган 42 та таклиф қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчи эксперт гуруҳига тақдим этилди. Шунингдек, қонун лойиҳасини ЎзННТМА сайти орқали жамоат муҳокамаси ва экспертизасидан ўтказиш жараёнида 130 дан зиёд таклифлар олинди. Бу таклифларнинг аксарияти, яъни қарийб 90 фоизи ННТ вакиллари томонидан билдирилганлиги Қонунни учинчи сектор вакиллари учун нечоғли аҳамият касб этишидан далолат беради.

Шунингдек, мунозараларга бой ўтган давра суҳбати жараёнида Қонун лойиҳаси юзасидан давом эттирилган давра суҳбати ҳам кўтаринки руҳда, қизғин ва баҳсларга бой тарзда бошланди.

Ушбу Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича комиссиялар фаолияти масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган, — деди юридик фанлар доктори Миродил Баратов. — Унда комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатларининг вилоят, туман, шаҳар кенгашлари қошида тузилиши таъкидланади. Халқаро тажрибани ўрганиш жараёнида кўплаб давлатларда бундай комиссиялар мэриялар, яъни ҳокимиятлар қошида тузилганини кузатиш мумкин. Бундай ҳолатда ҳокимият вакилларининг комиссия иш фаолиятига таъсир ўтказиш имконини вужудга келади. Менимча, лойиҳада комиссияларни айнан халқ депутатлари кенгашлари қошида тузилишига эътибор берилгани унинг фаолиятида очиқ-ошкоралик ва холисликка хизмат қилади.

* * *

Кун тартибига қўйилган иккинчи масала — «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан давом эттирилган давра суҳбати ҳам кўтаринки руҳда, қизғин ва баҳсларга бой тарзда бошланди.

Ушбу мавзуда атрофлича фикр юритди.

— «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ўтган йилнинг май ойида икки юздан ошиқ турли ташкилот ва идоралар томонидан кенг миқёсда муҳокама этилган эди, — деди у. — Биз ушбу фикр-мулоҳаза ва таклифларни жамлаган ҳолда лойиҳани янада такомиллаштирдик. Бугунги давра суҳбатида кўзланган мақсад мукаммал ва узоққа мўлжалланган, кейинчалик тез-тез тузатиш ва қўшимчалар киритилишига ҳожат бўлмайдиган пухта, энг муҳими, барчага бирдек манфаатли бўлган яхлит Қонунни ишлаб чиқишдир. Шунинг учун иштирокчилардан янада фаол бўлишларини сўрайман. Айтиш керакки, кузатув мобайнида дунёнинг бирон та мамлакатида айнан шу мавзуда қабул қилинган давлат аҳамиятига молик ҳужжатни кўрмадик. Ривожланган мамлакатларда жамоатчилик назорати ОАВ орқали ўрнатилади. Аммо бунинг ҳуқуқий асослари тўла қамраб олинмаган. Юртимизда ҳозирга қадар олтмишга яқин қонунларда бевосита ва билвосита жамоатчилик назоратига дахлдор моддалар, бандлар мавжуд. Хўш, унда ушбу Қонунга қандай эҳтиёж бор? Юқорида таъкидланган бандларни синчиклаб ўрганганимизда уларнинг механизмлари шаклланмагани, аниқ ҳуқуқий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз Концепцияда алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Шунингдек, давра суҳбатида ишчи гуруҳи аъзоси, ТДЮИ доценти М.Ахматшаева Қонун лойиҳасида жамоатчилик кенгашлари тузилиши, уларнинг йиллик ҳисоботларини нашр этиб боришга эътибор қаратилгани кенгашлар фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлашга хизмат қилиши ва 10-, 20-, 32-моддаларнинг моҳияти ҳақида атрофлича тўхталди. Ҳар бир сўз ва атамага жиддий эътибор қаратилди. Масалан, Қонун бузилган ҳолларда кўриладиган чоралар, маъмурий жавобгарликни янада аниқ кўрсатиш ёки «ишчи» сўзини «ходим», «жамоатчилик текшируви» деган жумлани «жамоатчилик назорати» тарзида тузатиш хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати якунида иштирокчиларга қизғин муҳокама юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдириши учун www.sfp.uz ҳамда yuridik@sfp.uz электрон манзиллари тақдим этилди. Жорий йилнинг 26 мартидан апрел ойининг биринчи ўн кунлиги ичида юртимизнинг барча ҳудудларида қонунлар муҳокамасига оид давра суҳбатлари ўтказилиши маълум қилинди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбирлари

ак бўлсин,
ар!
atsiyasi gazetasi
Ishonch
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
2012-yil 23-mart № 38 (3075) juma

ланиш айёми

идаги Ўзбекистон гган Наврўз байрами н репортаж

б-тубигача етиб боради. Ана ндай сеҳрли наво оғушида йдон теграсидаги улкан мо торларда юртимизнинг сн-малоҳатда тенгсиз табии, бетакрор қадимий обидарию замонавий меъморчик анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги кўрку таровати, фидойи ватандошларимиз, йигит ва қизларнинг шижоатли қиёфаси намоён бўлади.

Эрта тонгданоқ ораста шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай, ноғораю доира садолари янграйди. Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар қалбидаги шодумонлик уларнинг юз-кўзларида акс этади. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак тақкан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволаналётган варраклларга қадалган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқади.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-мурувват айёми. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча анъана ва удумларимизда, марака ва маросимларимизда, айниқса Наврўз фалсафасида янада теран намоён бўлади. Маҳалла-кўй, эл-юрт ҳамжиҳатликда ҳашарга отланади. Ариқ-зовурлар тозаланади. Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдизлари миллий маънавиятимизнинг кўҳна сарчашмаларига туташ ҳашар кунида кенг миқёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудуратлар унутилиб, биродарлик ришталари мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугунидан, буюк келажагидан, миллий қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаётганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаётганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришу янгиланишлардан, шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришаётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни ғаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаётган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан туғилади.

(Давоми 2-бетда)

ва кўксомса каби сайёрни довғатлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, танишбилишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, танишбилишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, танишбилишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, танишбилишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис

Алишер Навоий боболмизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билаги кучга тўлиб, кўзлари ғайратдан ёниб турган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаётган ёшларимизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададкор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шукуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайрихоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий тилакларимни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, бало-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

даларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олис қишлоқлардан дарахт новниш олиб кирадиган дарахт новларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олис қишлоқлардан дарахт новниш олиб кирадиган дарахт новларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олис қишлоқлардан дарахт новниш олиб кирадиган дарахт новларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъанаудумлари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

1738 йили машҳур голланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасидан «Табобат» деб номланган қалин китоб топилди. Бу китоб ким ошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг долларга сотилди. Муҳр бузилиб, китоб очилганида унинг саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат илк варақдагина шундай сўзлар ёзилган экан:

Афлотундан сўради
— Денгизда жуда
динг, шу саёҳатингда
йиб нарсани бизга сў
Афлотун деди:
— Энг ажойиби шук
га соғ-саломат чиқди
***

Киши учун саломат
дунё эса топилади. Қ
дон эса топилади. Ино
унинг тилаги равшанд
омон бўлса, орзу яқин
Абу
***

Айтишларича, Аҳжо
илтимос қилиб, деди:
— Менга саломат
бўладиган нарсалар
тоқи табиб ва дориларга ишим тушмасин.

Табиблар унга қуйидагича жавоб бердилар:

— Бирор касалингиз бўлмаса яна ҳам яхшироқ бўлай деб беҳуда дори ичманг, пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга уринг, нимаики ёқса ўшандан тановул қилинг, овқатдан сўнг совуқ сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлса устига-устак овқат еманг, кундузи овқат егандан кейин ухламанг, кечаси егандан эса, дарров ётиб олмай, бир оз у ёқдан бу ёққа юринг.

Билингки, тўрт нарса кишининг баданини семиртириб, кучли қилади: гўштни кўп ейиш, чиройли нарсаларга тикилиш, чўмилиш ва саёҳат қилиш.

Уч нарса кўз нурини оширади: ухлаш олдидан кўзга сурма тортиш, сабзазорларга тикилиш, покиза либос кийиш.

Уч нарса кўз нурини камайтиради: душманни кўриш, хунук нарсаларга, нурга тикилиш.

Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўр ва аччиқ нарсани ейиш.

Абдулҳақ ибн Сайфиддин ал-Қодир ад-Деҳлавий
***

Донодан сўрадилар:

— Инсон учун ҳаётда энг қимматли ва энг муҳим нарса нима, бойликми ёки шон-шуҳратми?

— На бойлик ва на шуҳрат инсонни бахтли қила олади. Касалманд шоҳдан соғлом гадо бахтлидир.

А.Шопенгауэр

Чол кўзига ёш олибди, қўлини очиб, узоқ дуо қилибди:

— Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, — дебди у чеҳраси очилиб.

Донолар бисотидан
***

Ўтириб ишласанг, туриб дам ол. Ўз олдингга улуғ бир мақсад қўйган бўлсанг, бу йўлдаги машаққатни дам олиш деб бил.

Эрон мақоли

Агар соғлиғингда югурмасанг, касаллигингда югурасан.

Гораций

Бир ишёқмас бемор бўлиб, ётиб қолибди. Табиб келганда уни боласи елпиб ўтирган экан. Шунда табиб:

— Ўзини ўзи елписин, шояд мушаклар ҳаракатга келиб, қонлар юришиб кетса, — дебди.

Зол-Зар

Беш хил аёллар учун азият чекса арзийди: олижаноб, покиза ва гўзаллар учун;

ақлли, қаноатли, иффатли, вафолилар учун;

бутун ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб ўзини ва номусини сақлаганлар учун;

яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганлар учун;

юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуғ бўлганлар учун.

«Калила ва Димна»дан.

Назира БОЙМУРОДОВА тайёрлади

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Мамлакатимизнинг барча аҳолисини Наврўзи олам билан муборакбод этади. Мустаҳкам оила йилида матонат кўрсатаётган бунёдкор халқимизга фаровонлик, тинчлик ва омонлик, бахту иқбол, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги шарафли ишларида зафарлар ёр бўлишини тилайди.

Айёмингиз муборак бўлсин, азизлар!

Ҳикоя

Ўша аёзли, серёмғир баҳорда биз лола термадик... Бу баҳор ҳам аввалгиларидан фарқ қилмас, фақат сен-у мен бошқа эдик, холос. Сен ўн олтида, жуда гўзал, мағрур ва бепарво. Мен ўн еттида, паришонхотир ва сенга ошиқ эдим...

Биз лола тергаган баҳор

Аввалари ҳар навбаҳор биз бирга лола терардик. Мен атрофи пахса девор билан ўралган ташландиқ боғда қўй боқардим. Сен кўк чучвара учун ялпиз тергани келардинг.

Боғнинг энг олис гўшаларида ял-ял ёнаётган лолаларни кўришимиз биланоқ, мен қўйларни, сен ялпизларни унутардинг. Биз енгил шабадада ночор титраб турган гулларга маҳлиё бўлардик.

Сенинг ёноқларинг ҳам, кўйлагинг ҳам лола рангида эди. Бошингдаги ироқи дўппи ўзингга жуда ярашар, қирқта ўрилган қора сочларингни шамол тортқилаб ўйнар, мен бечора сен чиройлими, ёинки лолақизғалдоқми, билолмай ҳайрон эдим. Лекин шуримда барибир, лола таслим бўлар, қирмиз ёноқларинг қизғалдоқдан минг чандон чиройли эканига қайта-қайта имон келтирардим.

Кечга томон қўйларим қаёққа ғойиб бўлганини билолмай зир югуриб қолардим. Сенинг эса кўк чучвара учун ҳеч нима термаганинг маълум бўларди. Отамнинг ғазабидан қўрқиб, қўйларни излаб кетардим ва уларни аллакимнинг томорқасидан топиб, роса дакки ердим. Сен эса беғубор табассум билан «Э, менга нима, эртага терарман-да» дея тол хивичидан тўқилган саватчангни лолага тўлдириб, уйингга жўнардинг.

Сенга ҳеч ким танбеҳ бермас, чунки олти ўғилдан кейин туғилган якка-ёлғиз, эрка қиз эдинг. Хийла инжиқ, қаттиққўл ва ҳақиқатпараст отам мени роса уришар, чунки у ҳамқишлоқларимиз томорқасига зарар етказишни сира истамас, умуман, кимнингдир ҳақига хиёнат қилишни ўзи учун ор биларди.

Ҳа, «лола сайллари» менга жуда қимматга тушарди. Бу фақат отамнинг танбеҳлари эмасди. Ахир, сендек қизнинг илтифотинг олдида, мени ҳарчанд тергасада, еру кўкка ишонмайдиган отамнинг танбеҳлари нима деган гап?!

Менинг чексиз азобларимга сабаб сенинг ерга урса, кўкка сапчийдиган оларди. Қолган беш акангнинг ҳар бири эса мени бир туртиб ўтишни ўзига шараф деб биларди. Улар сени беҳад яхши кўришар, менинг елкам, жағим, ҳатто юзимга туширилган муштлар билан буни исботлашарди. Айниқса, катта акангнинг мендан қаттолроқ душмани йўқ эди. Ўша, сен толхивич саватчангни лолага тўлдириб қайтган оқшом катта аканг қишлоқ клубидаги кинодан сўнг йўлимни тўсди. Биз унинг ўртоқлари гижгижлаши остида жиққа мушт бўлдик. Аканг мендан анча катта ва бақувват бўлишига қарамай, унга бас келишим мумкин эди. Лекин мен буни истамасдим. Чунки акангга мушт тушираётган бўлсам-да ўзимнинг жоним оғрирди. Охир-оқибат у мени мағлуб этди ва тепамга келиб дўқ урди:

— Ҳой, олифта! Сен қўйларингни боқишни бил! Агар Санамжоннинг атрофида яна ўралашганингни кўрсам, ўлдим деявер!

Ўша оқшом кўкарган кўзимни кўриб, онамнинг эсхонаси чиқиб кетди.

— Ҳай, болагинам, қайси қўли сингурнинг иши бу?!

— Ҳеч қайси, онажон, копток тепаётганимда йиқилиб тушдим, — дедим хонамга кираётиб.

Ортимдан кирган онам олхўридай шишган ёноғимни аста силаб, жавради:

— Ҳаҳ, қўлингга куйдирги чиққур! — у копток ҳақидаги эртагимга ишонмаганди.

Туни билан ўринда ағанаб, кўзим зўрға илинди.

Эртасига мактабдан қайтаётсам, эски тегирмон ёнида мени қувиб етдинг. Ёнма-ён кета бошладик. Сен ҳамма гапдан хабардор эдинг, ақиқ лабларинг қимтилган, кўзларинг мавжланарди. Кутилмаганда мен томон эниб, нозик бармоқларингни ёноғимга сал теккизгандай бўлдинг ва секин шивирладинг.

— Ҳалиям оғрияптими?..

Вужудимга яшин теккандек бўлди.

— Йўқ, оғримаяпти, кеча ҳам оғригани йўқ, — ғўлдирадим ўзимни йўқотиб.

Сен ёшли кўзларинг билан жилмайиб, пўписа қилдинг.

— Ёлғончи!

Шундан сўнг ҳар иккимиздан ҳам садо чиқмади. Йўлда давом этдик. Ўзимнинг ўшандаги ҳолатимни тасвирлашга ожизман. Лекин сенинг ғамгин, ёшли кўзлар билан жилмайишларинг ва шунинг баробарида юзларингда балқиган нур орадан шунча йиллар ўтса-да, ҳамон юрагимни ёритиб турибди.

— Майли, хафа бўлма, акам сал жиннироқ бўлсада, кўнгли очиқ.

Шивирлаганнамо юпатишларинг вужудимга роҳат бахш этар, акангнинг аччиқ муштларига яна дош беришга тайёр эдим.

Нақшинкор гужум дарвозанг олдида хайрлашар эканмиз, сен яна майин жилмайдинг-да, кўздан ғойиб бўлдинг...

Шундан сўнг баҳорда бизга биргаликда лола териш насиб этмади. Бунда сени еру кўкка ишонмайдиган акаларингнинг сира айби йўқ. Тақдир тақозоси шундай экан...

Сен ҳамон гўзал ва мағрурсан. Мен ҳамон сенга ошиқман ва юрагимни чексиз бир армон ўртайди. Энди биз лола терган баҳор сира қайтмайди...

Жўра ФОЗИЛ

Ҳоббов (58 кг.), Омад Қаҳрамонов (42 кг.), Темур Сулаймонов (46 кг.), Муҳаммадмустафо Раимов (50 кг.), Жаҳонгир Мамажонов (55 кг.), Қаҳрамон Бойдадаев (71 кг.), Улуғбек Худойберганов (65 кг.), Алишер Ҳотамов (мутлақ вазн) ўз вазн тоифаларида барчадан кучли эканликларини исботлашди.

Ўсмир қизлар ўртасида наманганлик Маҳлиё Йўлдошева (33 кг.), Мунира Каримова (40 кг.), Матлуба Ҳайдарова (48 кг.), Мухлиса Абдумаликова (52 кг.), Шаҳноза Аҳмаджонова (57 кг.), Нилуфар Мирзаева (мутлақ вазн) олтин медални қўлга киритган бўлса, қолган вазн тоифаларида Мухлиса Қамарова (Навоий, 36 кг.), Гулсанам Акмалжонова (Фарғона, 44 кг.), Ҳаётхон Жўрабоева (Фарғона, +63 кг.) шоҳсупанинг энг юқорисидан жой эгаллади.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Зукколар беллашуви

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланиб, хотин-қизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Пешқадамлик учун бирлашма тасарруфидаги 13 та даволаш профилактика муассасаларида ўтган дастлабки босқич ғолиблари дона суришди.

Шашкачилар баҳсида кўп тармоқли марказий поликлиника врачи Зулфия Тўхтаева ғолиб чиққан бўлса, 2-сонли болалар шифохонаси ҳамшираси Сурайё Шониёзова иккинчи, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакили Сайёра Абраева учинчи ўриндан жой олди.

Қизиқарли ўтган шахмат мусобақасида 3-сонли катталар поликлиникаси ҳамшираси Марҳабо Рустамова биринчи, шаҳар тиббиёт бирлашмасидан Махфират Хушвақтова иккинчи, кўп тармоқли марказий поликлиника ходимаси Дилфуза Тиловова учинчи поғонани банд этди.

Суюн ТОШАТОВ, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Давлат муассасаслари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгаши бош ҳисобчиси Раъно Бобожоновага онаси

РАЖАББИБИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

U. Ibodinov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 00. 20
Topshirildi - 01.40

Buyurtma Г — 311

23549 nusxada bosildi

1 2 3 4 5

ак бўлсин,
ар!
atsiyasi gazetasi
Ish
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
2012-yil 23-mart № 38 (3075) juma

ланиш айёми

идаги Ўзбекистон тган Наврўз байрами н репортаж

-тубигача етиб боради. Ана ндай сеҳрли наво оғушида йдон теграсидаги улкан мо-торларда юртимизнинг н-малоҳатда тенгсиз таби-, бетакрор қадимий обида-рию замонавий меъморчи-к анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолар, ша-ҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги кўрку таровати, фи-дойи ватандошларимиз, йигит ва қизларнинг шижоатли қиёфаси намоён бўлади.

Эрта тонгданоқ ораста ша-ҳар ва қишлоқларда, маҳал-ларда карнай-сурнай, ноғо-раю доира садолари янгра-ди. Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Кўчаларни тўлдириб бораёт-ган одамлар қалбидаги шоду-монлик уларнинг юз-кўзла-рида акс этади. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак таққан қизалоқлар, нигоҳлари осмон-ларда ҳаволанаётган варрак-ларга қадалган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йи-гитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқади.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-мурувват айёми. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча анъа-на ва удумларимизда, мара-ка ва маросимларимизда, айниқ-са Наврўз фалсафасида яна-да теран намоён бўлади. Ма-ҳалла-кўй, эл-юрт ҳамжиҳат-ликда ҳашарга отланади. Ариқ-зовурлар тозаланади. Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдиз-лари миллий маънавиятимиз-нинг кўҳна сарчашмаларига туташ ҳашар кунида кенг ми-қёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмуш-лари бажарилади. Наврўз кун-ларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Бе-морлардан ҳол-аҳвол сўрала-ди. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудурат-лар унутилиб, биродарлик ришталари мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирла-рига Наврўзнинг тансиқ таомла-рини илинадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқи-мизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намо-йишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугуни-дан, буюк келажагидан, мил-лий қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаётганидан, фарзандла-рини-да ана шу руҳда тарбия-лаб вояга етказаётганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетим-сол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришу янгиланишлар-дан, шаҳар ва қишлоқлари-мизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал биноларимиз-дан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эриша-ётган ютуқларимиздан, юрти-мизни турли балою офатлар-дан, халқимизни ғаму кул-фатдан эсон-омон сақлаб ке-лаётган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъи-ятидан туғилади.

(Давоми 2-бетда)

ва кўксимга каби саҳорин пайматлар тор-тилган дастурхонлар атрофида, яшил май-дон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик би-лан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини си-лаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзола-рини, қадрдонларини бағрига босиб, танишбилишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг бар-ча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муш-тарак бўлиб ривож топаётганига она юрти-мизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз со-ғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳ-расини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизим-лар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қад-риятларига, урф-одатларига бўлган садоқа-ти, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юрти-мизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қим-матини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис

Алишер Навоий бобомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билаги кучга тўлиб, кўзлари ғайратдан ёниб турган, ҳеч ким-дан кам бўлмасдан вояга етаётган ёшла-римизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизлар-га, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга ма-дадкор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фар-зандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шукуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайрихоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, са-мимий салом ва табрикларимизни йўллай-миз.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, бар-ча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан таб-риклашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор май-донда тўпланган сиз, қадрдонларимга, сиз-лар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий ти-лакларимни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, бало-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ниш олис кирдан дарахт нов-даларига тириклик суви югур-гани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билак-ларимизга куч, юракларимиз-га муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқ-имизга хос қадрият ва анъана-лар нечоғли боқий ва сермаз-мун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юрти-миз тинч. Осмонимиз мусаф-фо. Фарзандларимиз соғ-сало-мат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эрта-ни кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан та-раққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқ-имиз «Хуш келибсан ўлкамиз-га, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегма-син!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тад-биркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакилла-

юрлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республика-си Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари бар-чани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалса-фаси билан бошқа байрам-лардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимиз-нинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъана-удумлари тобора сайқалла-ниб, ривож топиб бораётга-нини таъкидлади.

...Янги кун бошланди. Са-ҳархез боболарнинг нуроний чеҳрасидан, дуогўй момолар-нинг эзгу тилакларидан, тонг-ни бешик кўчиб қаршилаган оналар алласидан бошланади бу кун. Саррин еллар қанотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этмайдиган лайлаклар хаёло-тида кириб келади у. Наврўз навоси янграйди. Халқимиз-нинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бу-тун юртимиз узра парвоз ай-лайди. Ватанимиз бўйлаб эса-ётган бу муаттар насим ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалбга кириб боради.

Муаззам майдон узра май-ин куй таралади. Кўклам со-ғинчи, табиатга ошуфталик, она заминга муҳаббат, севги ва садоқат, эртанги ёруғ кун-ларга ишонч ҳисси билан йўғрилган бу нафис оҳанг уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг

Баҳор ташрифи

Сен кўнгилнинг самовий рақси
Зеби жаҳон кўркининг нақши,
Сен фаришта, мен куйчи баҳши —
Баҳор бўлиб келганинг яхши

Қаҳратондан қақшади жоним,
Соғинчларга ташлади ғаним.
Ташрифингдан яшнади таним —
Рафтор бўлиб келганинг яхши.

Ғолиб тўғдай адирлар алвон,
Чучмомалар уради жавлон
Жилвасида жаннату ризвон —
Бедор бўлиб келганинг яхши.

Ҳар гиёҳда висол хислати,
Ҳар қиёқда завол қисмати.
Сен ғанимат дийдор нисбати —
Дийдор бўлиб келганинг яхши.

Шўх нозларинг иффор насимли
Гул юзларинг бунча ёқимли,
Бол сўзларинг ғунча тотимли —
Дилдор бўлиб келганинг яхши.

Эй фасли гул, фасли мастона,
Эртаклардан келган афсона
Малаксиймо, қадди Руҳшона —
Зуннор бўлиб келганинг яхши.

Таърифингга қўшмадим пардоз,
Қадамингга қуёш пойандоз.
Сен мангу ишқ, туғёндаги соз —
Баҳор бўлиб келганинг яхши.

Нуруллоҳ ДОСТОН

Ўқинг, амал қилинг: ўзингизга фойда

ТАБИАТН БЕБАҲО

Бу йилги баҳор кечиккандай кўринади. Шунга қарамай, кўча-кўйда бош кийимсиз ёки бўлмаса, енгил кийиниб олган ёш-яланғларни кўплаб учратиш мумкин. Нима бу, чиниққанлик белгисими ёки...

«Тани соғлик шундай махфий давлатки, қадрини ундан айрилган кишиларгина билади» дейилади араб ҳикматларида.

Шифокорнинг вазифаси даволашдан кўра касалликларнинг олдини олиш, кишини ўз соғлиғини асрашга ўргатишдан иборат. Бизнинг ҳам заҳматкаш касб эгаларига ёрдам бергимиз келди. Бугунги саҳифамизда донишмандларнинг сиҳат-саломатлик ҳақидаги қимматли фикрларини эътиборингизга ҳавола этишни ният қилдик. Бу ҳикматлар зора сизнинг ўз соғлиғингиз ҳақида қайғуришингизга туртки бўлса.

***

«Мушук текинга офтобга чиқмайди» деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам мушукнинг офтобда исинишида ҳикмат бор экан. Тарихий манбаларда келтирилишича, кунларнинг бирида даниялик шифокор Нильс Финзен қўшнисининг томида — мўрининг ёнида исиниб ётган мушукнинг хатти-ҳаракатини кузатди. Мушук мўри сояси тушиши билан ўрнидан туриб, яна офтоб тушадиган жойга ётиб оларди. Финзен мушукнинг бу ҳаракатини кўриб, қуёш нурининг тирик организмга таъсирини ўрганишга киришди ва ундан кишиларни даволашда фойдаланди. Нильс Финзен бу ғояни муваффақиятли амалга оширганлиги учун 1903 йили Нобел мукофотига сазовор бўлди.

Баъзан, ўз соғлиғининг қадрини билмай, уни ичиш ва чекиш каби иллатларга бой бераётганларни кўриб: тавба, бу одамнинг ҳатто мушукчалик ҳам ақли йўқмикин, — деб ўйлаб қоласан киши.

***

1738 йили машҳур голланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасидан «Табобат» деб номланган қалин китоб топилди. Бу китоб ким ошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг долларга сотилди. Муҳр бузилиб, китоб очилганида унинг саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат илк варақдагина шундай сўзлар ёзилган экан:

Афлотундан сўради
— Денгизда жуда
динг, шу саёҳатингда
йиб нарсани бизга с
Афлотун деди:
— Энг ажойиби шу
га соғ-саломат чиқди

***

Киши учун салома
дунё эса топилади. К
дон эса топилади. Ин
унинг тилаги равшан,
омон бўлса, орзу яқи

Абу

***

Айтишларича, Ахж
илтимос қилиб, деди
— Менга салома
бўладиган нарсала
токи табиб ва дориларга ишим тушмасин.

Табиблар унга қуйидагича жавоб бердилар:

— Бирор касалингиз бўлмаса яна ҳам яхшироқ бўлай деб беҳуда дори ичманг, пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга уринг, нимаики ёқса ўшандан тановул қилинг, овқатдан сўнг совуқ сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлса устига-устак овқат еманг, кундузи овқат егандан кейин ухламанг, кечаси еганда эса, дарров ётиб олмай, бир оз у ёқдан бу ёққа юринг.

Билингки, тўрт нарса кишининг баданини семиртириб, кучли қилади: гўштни кўп ейиш, чиройли нарсаларга тикилиш, чўмилиш ва саёҳат қилиш.

Уч нарса кўз нурини оширади: ухлаш олдидан кўзга сурма тортиш, сабзазорларга тикилиш, покиза либос кийиш.

Уч нарса кўз нурини камайтиради: душманни кўриш, хунук нарсаларга, нурга тикилиш.

Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўр ва аччиқ нарсани ейиш.

Абдулҳақ ибн Сайфиддин ал-Қодир ад-Дехлавий

***

Донодан сўрадилар:

— Инсон учун ҳаётда энг қимматли ва энг муҳим нарса нима, бойликми ёки шон-шуҳратми?

— На бойлик ва на шуҳрат инсонни бахтли қила олади. Касалманд шоҳдан соғлом гадо бахтлидир.

А.Шопенгауэр

Чол кузига еш олиоди, қулини очиб, узоқ дуо қилибди:

— Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, — дебди у чеҳраси очилиб.

Донолар бисотидан

***

Ўтириб ишласанг, туриб дам ол. Ўз олдингга улуғ бир мақсад қўйган бўлсанг, бу йўлдаги машаққатни дам олиш деб бил.

Эрон мақоли

Агар соғлиғингда югурмасанг, касаллигингда югурасан.

Гораций

Бир ишёқмас бемор бўлиб, ётиб қолибди. Табиб келганда уни боласи елпиб ўтирган экан. Шунда табиб:

— Ўзини ўзи елписин, шояд мушаклар ҳаракатга келиб, қонлар юришиб кетса, — дебди.

Зол-Зар

Беш хил аёллар учун азият чекса арзийди: олижаноб, покиза ва гўзаллар учун;

ақлли, қаноатли, иффатли, вафолилар учун;

бутун ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб ўзини ва номусини сақлаганлар учун;

яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганлар учун;

юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуғ бўлганлар учун.

«Калила ва Димна»дан.

Назира БОЙМУРОДОВА тайёрлади

Экспертлар: Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келади

Таниқли россиялик эксперт Леонид Папирин «Замонавий тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келади» деган фикрни илгари сурмоқда. Польшада 2011 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган «Дунёнинг геосиёсий харитасида Марказий Осиёнинг ўрни» мавзуидаги семинарда мазкур эксперт Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ жиддий муаммолар ҳақида сўзлаб берди. 2005-2007 йилларда эксперт Роғун ГЭСи қурилишини асослаш учун муҳандислик-геологик қидирув ишлари материалларини батафсил ўрганиб чиққан эди. Қуйида унинг маърузасидан парчалар келтирилмоқда.

Тадқиқотлар 1968-1978 йилларда ўтказилган бўлиб, мазкур муддат бундай мураккаб ва катта ҳажмдаги иш учун жуда камлик қилади. Олиб борилган тадқиқотларни ўша пайтдаги қурилишга оид нормалар, қоида ва йўриқномаларга асосланиб баҳолайдиган бўлсак, кўплаб масалалар ҳал этилмагани маълум бўлади.

Амалда ер усти геофизик ишлари мутлақо олиб борилмагани таажжуб уйғотади. Бу эса ўша даврда амал қилган йўриқномалар ва қоидаларга зид равишда геологик хариталаш ва ўпирилиш жараёнларини ўрганиш геофизика ишлари олиб борилмаган ҳолда олдиндан ўтказилганидан далолат беради.

Туз тошларини хариталаш ишлари бажарилмаган. Матнда асосий кўчкилар ҳисоб-китоби бажарилгани қайд этилган бўлса-да, бу иш қандай материаллар асосида ва ким томонидан бажарилгани аниқ кўрсатилмаган. Ушбу материалларни Роғун ГЭСи архивидан топишга уриниш кутилган натижани бермади.

Роғун ГЭСида биринчи даражали муаммолар сейсмик фаолликни ва туз тошларини ўрганишдан иборатдир. Тошларнинг чуқурликдаги таркиби геофизикавий тадқиқотлар ёрдамида ўрганилмаган. Сейсмик материалларнинг аксарияти 20-25 йил аввал ўтказилган эски тадқиқотларга асосланади. Улар эски сейсмостанциялар ёрдамида сийрак тармоқ орқали олинган. Бунда сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудлар координатасида 20-25 километргача хатоликка йўл қўйилиши мумкин. Ушбу станциялар материалларига замонавий компьютер технологиялари орқали ишлов бериш мушкул. Роғун ГЭСи тўғони ўзининг баландлигига кўра (280-335 метр) ўта хавфли объектлар сирасига киради. Унинг биринчи тоифали (100 метр) тўғонлардан ҳам баландроқ бўлиши мўлжалланмоқда. Шу сабабли мазкур қурилиш ҳудудида дастлабки сейсмик фаолликни белгилаш, сейсмик таъсир параметрларини ҳисоб-китоб қилиш, сейсмик фаолликни районлаштириш ва микро сейсмик фаолликни районлаштириш ишларини инструментал сейсмик кузатув материаллари асосида тайёрлаш, айни вақтда турли кўламдаги геологик-тектоник, муҳандислик-геологик ва геофизикавий тадқиқотларнинг бутун бир комплексини тўла амалга ошириш тақозо этилади.

Ҳам эски, ҳам янги замонавий талаблар бўйича тўғонга тушаш қияликларни батафсил ўрганиш, турли интенсивликдаги сейсмик таъсир пайтида қияликларнинг барқарорлигини ҳисоб-китоб қилиш керак. Шу сабабли янги ва замонавий тадқиқотларни ўтказиш ғоят зарур. Агар тақдим этилган ягона кесимга ишонадиган бўлсак, бу қияликдаги иккиламчи генерация кўчкиларининг ҳажми юз мингдан миллион кубометргача етиши мумкин. Иккиламчи генерация қатламларининг кўчиши Вахш дарёси ўзани тўсилиб қолишига ва бу ерда 40-80 метр баландликдаги тўғон пайдо бўлишига олиб келади. Lahmeyer International инжиниринг компанияси мутахассислари ана шундай хулосага келди. Яъни, иккиламчи кўчкилар ГЭСнинг сув остида қолиш хавфини келтириб чиқаради. Ҳозирги пайтда туннеллар тизимига ва ГЭСнинг асосий ер ости иншоотларига кириш Т-3 транспорт туннели орқали амалга оширилмоқда. Сув омборини тўлдириш ишлари бошлангач, бу туннель ёпиб қўйилади. Тўғонга барча қурилиш материаллари автотранспорт воситасида Пассимурхо сойининг юқори қисмидаги махсус йўл орқали ташилади. Бу йўл кўчки хавфи жуда юқори бўлган қияликдан ўтган. Сув омбори сувга тўла бошлагач, ўпирилиш жараёнлари кучаяди, йўл бузилади ва қурилиш ишлари тўхтаб қолади. Чунки Пассимурхо қияликларининг мустаҳкамлигини ўрганиш ва ҳисоб-китоб қилиш бўйича ҳеч қандай тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тўғон дарвозаларига яқин жойда, чап қирғоқдан Вахш дарёсига Обишўр сел ирмоғи қуйилади. 10-11 йилда бир марта у Вахш дарёсини тўсиб қўяди. Сўнгги марта бундай ҳолат 2009 йилнинг 19 майида рўй берган. Вахш ўзанида туз тошлари ҳажми 300 минг куб-метрни ташкил этиб, улар қурилиш майдончаси доирасида сув сатҳининг олти метргача кўтарилишига олиб келган. Ёрдамчи қурилиш туннели бутунлай сув остида қолган. Бахтли тасодиф туфайлигина (сменалар алмашиш пайтида туннелда одамлар йўқ эди) қурбонлар бўлмади. Агар ана шундай тасодиф бўлмаганида қурбонлар сони Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган ҳалокат пайтидагидан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳат. Биринчи сел оқими Вахш ўзанини бутунлай тўсиб қўймаган эди. Аммо кейинги иккинчи оқим бу ерда пайдо бўлган тўғон баландлигини янада оширди. Агар тинимсиз ёққан ёғингарчиликлар учинчи сел оқимини ҳосил қилганида, мазкур тўғон баландлиги бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Гидрологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир марта келган сел оқимининг энг юқори ҳажми 3 миллион кубметргача етади. Бундай кучли сел оқими электростанцияда жиддий ҳалокатни келтириб чиқариши мумкин.

Техника фанлари номзоди В.Ф.Илюшиннинг «Роғун гидроузели қурилишидаги қурилиш туннели ҳалокати сабоқлари» мақоласида («Гидротехническое строительство» журнали, 2002 й., 4-сон) қурилиш туннелининг биринчи қавати 1990-1992 йилларда тўлиқ яроқсиз ҳолга тушиб қолгани ва бу ҳолатнинг сабаблари батафсил таҳлил қилинган. Умуман олганда, муаллифнинг фикрича, қурилиш ва тадқиқот ишларининг сурункали равишда етарли даражада молиялаштирилмаслиги 1992 йилдаги ҳалокатнинг асосий сабаби бўлган.

1993 йилда кучли сел оқими пайтида иккинчи туннель ва Вахш сувини қурилиш туннелларига буриб юборадиган сув тўсғичлар вайрон бўлган. Булардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ГЭСнинг бошқа узеллари ҳам авария ҳолатига тушиб қолган. Қурилиш ишлари иншоотларни консервация қилмаган ҳолда тўхтатиб қўйилган эди. Шу сабабли замонавий аппаратура ва ускуналар ёрдамида батафсил тадқиқот ишларини олиб бориш зарур. Шундан сўнггина янги техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқишга киришиш мумкин.

Ишчи лойиҳани тузишдан олдин тадқиқ қилиш зарур бўлган шунга ўхшаш яна ўнлаб долзарб муҳандислик-геологик муаммоларни санаб ўтиш мумкин. Туздан ҳимоялаш, қирғоқларнинг мустаҳкамлиги, сув омбори ҳудудига кирувчи Сурхоб дарёси ҳавзасида блокли қиялик кўчкилари шулар жумласидандир.

Жаҳон банки экспертиза ишларини ўтказиш учун 15 миллион доллар маблағ ажратди. Ажабланарлиси шундаки, бу ишларининг буюртмачиси — Тожикистондир. Шу ўринда эслаш жоизки, Сарез кўлига оид муаммоларни тадқиқ қилишининг бош ҳомийси ҳам Жаҳон банки эди. Мураккаб Сарез тадқиқотларини ўтказиш учун Тожикистонда малакали мутахассислар йўқ. Бу ишларда қатнашган Швейцария фирмаси ҳам бундай мутахассисларга эга эмас. Бу ишларга фирма номидан асли касби қурувчи-муҳандис бўлган Патриз Дроз бошчилик қилган. Олти йил мобайнида олиб борилган ишлар Жаҳон банки лойиҳасининг тўлиқ инқирози билан якунланди. Маблағ сарфланган, аммо ҳеч қандай тадқиқот ўтказилмаган.

Ўйлайманки, Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Роғун ГЭСи экспертизасини ўтказишнинг натижалари ҳам буюртмачиси тожик мутахассислари бўлган Сарез кўли ва бошқа объектларга оид тадқиқотлар натижалари каби самарасиз бўлади. Яъни, жиддий тадқиқотлар ўтказилмаган ҳолда эски лойиҳа қурилиш учун яна яроқли, деб топилади.

Яқинда (2011 йил 16 августда) Жаҳон банки Тожикистонга Роғун қурилишини бошлашни тавсия қилмаслиги хусусидаги хабарлар пайдо бўлди. Айни пайтда Жаҳон банкининг расмий сайтида (www.worldbank.org) мазкур банкнинг Роғун ГЭСи лойиҳаси бўйича баҳолаш тадқиқотлари ўтказилиши жараёнини кўриб чиқиш мақсадида Тожикистонда ўн кунлик хизмат сафарида бўлган мутахассислари жамоасининг пресс-релизи эълон қилинди. Пресс-релиз ва хабарнинг барча тафсилотларига тўхталиб ўтирмасдан, фақат бир жиҳатга эътиборингизни тортмоқчиман – қўшимча тадқиқотлар мижоз («Барки Тожик» электр компанияси) томонидан техник иқтисодий асослар бўйича маслаҳатчи (Coyne et Beltier/ атроф-муҳит бўйича мувофиқлаштирувчи марказ/ Парламентлараро ассамблея) кўрсатмалари ва назорати остида ўтказилади. Яъни, қўшимча тадқиқотлар тор кўламда ўз тадқиқот хизматига ва муҳандислик геофизикаси бўйича мутахассисларига эга бўлмаган мижоз томонидан бажарилади. Демак, тадқиқотларга нисбатан принципиал ёндашув ўзгармаган ва мен юқорида санаб ўтган геологик муаммолар ўрганилмаганича қолиб кетаверади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, Жаҳон банкининг юқорида қайд этилган жамоаси таркибида ҳам муҳандислик геофизикаси бўйича мутахассислар бўлмаган. Қўшимча тадқиқотлар олиб бориш, рўй бериш эҳтимоли юқори бўлган маҳаллий ҳалокатларни бартараф этиш учун харажатлар Роғун ГЭСи қийматини янада ошириб юборади. Сув иншооти қурилишининг умумий қиймати янада қимматлашиб, 7 миллиард АҚШ долларига етади. Лойиҳалаштирувчиларнинг хатолари ва малакасиз муҳандислик-геологик тадқиқотлар бу рақамни янада ошириши мумкин. Замонавий тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келишини истисно қилиб бўлмайди.

Sarez-lake.ru сайти



мадмустафо Раимов (50 кг.), Жаҳонгир Мамажонов (55 кг.), Қаҳрамон Бойдадаев (71 кг.), Улуғбек Худойберганов (65 кг.), Алишер Ҳотамов (мутлақ вазн) ўз вазн тоифаларида барчадан кучли эканликларини исботлашди.

Ўсмир қизлар ўртасида наманганлик Маҳлиё Йўлдошева (33 кг.), Мунира Каримова (40 кг.), Матлуба Ҳайдарова (48 кг.), Мухлиса Абдумаликова (52 кг.), Шаҳноза Аҳмаджонова (57 кг.), Нилуфар Мирзаева (мутлақ вазн) олтин медални қўлга киритган бўлса, қолган вазн тоифаларида Мухлиса Қамбарова (Навоий, 36 кг.), Гулсанам Акмалжонова (Фарғона, 44 кг.), Ҳаётхон Жўрабоева (Фарғона, +63 кг.) шоҳсупанинг энг юқорисидан жой эгаллади.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Зукколар беллашуви

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланиб, хотин-қизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Пешқадамлик учун бирлашма тасарруфидаги 13 та даволаш профилактика муассасаларида ўтган дастлабки босқич ғолиблари дона суришди.

Шашкачилар баҳсида кўп тармоқли марказий поликлиника врачи Зулфия Тўхтаева ғолиб чиққан бўлса, 2-сонли болалар шифохонаси ҳамшираси Сурайё Шониёзова иккинчи, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакили Сайёра Абраева учинчи ўриндан жой олди.

Қизиқарли ўтган шахмат мусобақасида 3-сонли катталар поликлиникаси ҳамшираси Марҳабо Рустамова биринчи, шаҳар тиббиёт бирлашмасидан Маҳфират Хушвақтова иккинчи, кўп тармоқли марказий поликлиника ходимаси Дилфуза Тиловова учинчи поғонани банд этди.

Суюн ТОШАТОВ, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Давлат муассасаслари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгаши бош ҳисобчиси Раъно Бобожоновага онаси

РАЖАББИБИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

U. Ibodinov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
(h) - Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.
Bosishga topshirish vaqti - 00. 20
Topshirildi - 01.40
Buyurtma Г — 311
23549 nusxada bosildi
1 2 3 4 5

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Санатор-Курортлар бошқармаси

Барча юртдошларимизни Наврўзи олам билан қутлайди

Қадрли ватандошлар!

Баҳорнинг гўзал ва тароватли байрами — Наврўз муборак!

Қалдирғочлар бутун дунё эзгуликларини қанотларида олиб келаётган қутлуғ кунларда юртимизга ўзгача файз киради. Бу файз — кўклам шукуҳи. Наврўз қувончидир.

Шундай саодатли онларда ҳар бир юртдошимизга сиҳат-саломатлик, хонадонларига қут-барака, Ватанимиз равнақини кўзлаб амалга ошираётган ишларига унум ва ривож тилаймиз!

ҲАМАЛ КЕЛДИ

Қирлар ёнар ял-ял само чарогидан,
Қизғалдоқлар мўлтирайди қарогидан,
Бойчечаклар ўпар чақин ёноғидан,
Тупроқ нишлаб, томирига амал келди,
Узоқ қишлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Чучмомалар чопқиллайди қир бошига,
Турнақатор қушлар учар йил бошига,
Айланади қизлар баҳор сирдошига
Яшил олам изҳорига тамал келди,
Чақин чақнаб Наврўз ила ҳамал келди.

Қушлар сархуш юракларнинг сайроғидан,
Соғинч тошар нигоҳларнинг қирғоғидан,
Найсон ёғар булутларнинг дудоғидан
Камалакнинг камонида қамал келди,
Ғамза ташлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Қийғос боғлар сочқилайди гул исини
Мажнун кўнгил ичар ҳилол ёғдусини,
Настаринлар яширади қулгусини
Қалдирғочлар навосида ғазал келди,
Ялла бошлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Қуш тилига мушки ҳулво шайдо бўлди,
Дастурхонда сумалаклар пайдо бўлди,
Бугун боғда савр қадди Лайло бўлди
Уйғон энди, қадимижон азал келди,
Дала даштлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Ҳатти малак эрка фасл зебосида,
Етти фалак нурланади либосида,
Келинсалом нози аён ибосида,
Ишқ майидан жомсўз айтар маҳал келди,
Кулиб яшнаб Наврўз ила ҳамал келди.

Нуруллоҳ ДОСТОН

ва кўксимса кабй баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, танишбилишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис

Алишер Навоий боболомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билаги кучга тўлиб, кўзлари ғайратдан ёниб турган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаётган ёшларимизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададкор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шукуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайрихоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий тилакларимни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, балою қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ниш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Ойламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

...Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нуроний чеҳрасидан, дуогўй момоларнинг эзгу тилакларидан, тонгни бешик кучиб қаршилаган оналар алласидан бошланади бу кун. Саррин еллар қанотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этмайдиган лайлаклар хаёлотида кириб келади у. Наврўз навоси янграйди. Халқимизнинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бутун юртимиз узра парвоз айлайди. Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу муаттар насим ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалбга кириб боради.

Муаззам майдон узра майин куй таралади. Кўклам соғинчи, табиатга ошуфталик, она заминга муҳаббат, севги ва садоқат, эртанги ёруғ кунларга ишонч ҳисси билан йўғрилган бу нафис оҳанг уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг қўсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудуратлар унутилиб, бидодарлик ришталари мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугунидан, буюк келажагидан, миллий қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаётганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаётганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришу янгиланишлардан, шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришаётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни ғаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаётган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан туғилади.

(Давоми 2-бетда)

ік бўлсин,
ар!
atsiyasi gazetasi
Ish ch
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
2012-yil 23-mart № 38 (3075) juma

ланиш айёми



идаги Ўзбекистон тган Наврўз байрами н репортаж

М

Баҳор ташрифи

Сен кўнгилнинг самовий рақси
Зеби жаҳон кўркининг нақши,
Сен фаришта, мен куйчи баҳши —
Баҳор бўлиб келганинг яхши

Қаҳратондан қақшади жоним,
Соғинчларга ташлади ғаним.
Ташрифингдан яшнади таним —
Рафтор бўлиб келганинг яхши.

Ғолиб туғдай адирлар алвон,
Чучмомалар уради жавлон
Жилвасида жаннату ризвон —
Бедор бўлиб келганинг яхши.

Ҳар гиёҳда висол хислати,
Ҳар қиёқда завол қисмати.
Сен ғанимат дийдор нисбати —
Дийдор бўлиб келганинг яхши.

Шўх нозларинг иффор насимли
Гул юзларинг бунча ёқимли,
Бол сўзларинг ғунча тотимли —
Дилдор бўлиб келганинг яхши.

Эй фасли гул, фасли мастона,
Эртаклардан келган афсона
Малаксиймо, қадди Руҳшона —
Зуннор бўлиб келганинг яхши.

Таърифингга қўшмадим пардоз,
Қадамингга қуёш пойандоз.
Сен мангу ишқ, туғёндаги соз —
Баҳор бўлиб келганинг яхши.

Нуруллоҳ ДОСТОН

Ўқинг, амал қилинг: ўзингизга фойда



«Бошингни совуқ,
тут, шунда сен энг з
қашшоқ қила оласан».
***

Қўл ювиб юрсанг,
биласан,
Тил тийиб юрсанг,
ни биласан.
***

Шарқ элининг дон
илмининг отаси Луқмо
— Барча юкни кўтар
дан оғирроқ юкни кў
лаззатни тотиб кўрд
матликдан чучукроқ
дим. Энг ширин лазза
матликда эканини анг
***

ТАБИАТН БЕБАҲО

Бу йилги баҳор кечиккандай кўрина-ди. Шунга қарамай, кўча-кўйда бош кийимсиз ёки бўлмаса, енгил кийиниб олган ёш-яланглярни кўплаб учратиш мумкин. Нима бу, чиниққанлик белги-сими ёки...

«Тани соғлик шундай махфий дав-латки, қадрини ундан айрилган киши-ларгина билади» дейилади араб ҳик-матларида.

Шифокорнинг вазифаси даволаш-дан кўра касалликларнинг олдини олиш, кишини ўз соғлиғини асрашга ўргатишдан иборат. Бизнинг ҳам заҳ-маткаш касб эгаларига ёрдам берги-миз келди. Бугунги саҳифамизда до-нишмандларнинг сиҳат-саломатлик ҳақидаги қимматли фикрларини эътиборингизга ҳавола этишни ният қил-дик. Бу ҳикматлар зора сизнинг ўз со-ғлиғингиз ҳақида қайғуришингизга туртки бўлса.

***

«Мушук текинга офтобга чиқмайди» деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам мушукнинг офтобда исинишида ҳикмат бор экан. Тарихий манбалар-да келтирилишича, кунларнинг бири-да даниялик шифокор Нильс Финзен қўшнисининг томида — мўрининг ёнида исиниб ётган мушукнинг хатти-ҳаракатини кузатди. Мушук мўри соя-си тушиши билан ўрнидан туриб, яна офтоб тушадиган жойга ётиб оларди. Финзен мушукнинг бу ҳаракатини кўриб, қуёш нурининг тирик организмга таъсирини ўрганишга ки-ришди ва ундан кишиларни даволаш-да фойдаланди. Нильс Финзен бу ғояни муваффақиятли амалга оши-рганлиги учун 1903 йили Нобел муко-фотига сазовор бўлди.

Баъзан, ўз соғлиғининг қадрини билмай, уни ичиш ва чекиш каби ил-латларга бой бераётганларни кўриб: тавба, бу одамнинг ҳатто мушукчалик ҳам ақли йўқмикин, — деб ўйлаб қола-сан киши.

***

1738 йили машҳур голланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасидан «Та-бобат» деб номланган қалин китоб то-пилди. Бу китоб ким ошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг дол-ларга сотилди. Муҳр бузилиб, китоб очилганида унинг саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат илк варақдагина шундай сўзлар ёзилган экан:

Афлотундан сўради.
— Денгизда жуда к
динг, шу саёҳатингда
йиб нарсани бизга сўз
Афлотун деди:
— Энг ажойиби шук
га соғ-саломат чиқдим
***

Киши учун саломат
дунё эса топилади. Қу
дон эса топилади. Инс
унинг тилаги равшанд
омон бўлса, орзу яқин

Абу
***

Айтишларича, Аҳжо
илтимос қилиб, деди:
— Менга саломат
бўладиган нарсалар
токи табиб ва дориларга ишим тушма
син.

Табиблар унга қуйидагича жавоб бердилар:

— Бирор касалингиз бўлмаса яна ҳам яхшироқ бўлай деб беҳуда дори ичманг, пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга уринг, нимаики ёқса ўшандан тановул қилинг, овқатдан сўнг совуқ сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлса устига-устак овқат еманг, кундузи овқат егандан кейин ухламанг, кечаси егандан эса, дарров ётиб олмай, бир оз у ёқдан бу ёққа юринг.

Билингки, тўрт нарса кишининг ба-данини семиртириб, кучли қилади: гўштни кўп ейиш, чиройли нарсалар-га тикилиш, чўмилиш ва саёҳат қилиш.

Уч нарса кўз нурини оширади: ухлаш олдидан кўзга сурма тортиш, сабзазор-ларга тикилиш, покиза либос кийиш.

Уч нарса кўз нурини камайтиради: душманни кўриш, хунук нарсаларга, нурга тикилиш.

Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳ-ватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўр ва аччиқ нарсани ейиш.

Абдулҳақ ибн Сайфиддин ал-Қодир ад-Деҳлавий
***

Донодан сўрадилар:

— Инсон учун ҳаётда энг қимматли ва энг муҳим нарса нима, бойликми ёки шон-шуҳратми?

— На бойлик ва на шуҳрат инсонни бахтли қила олади. Касалманд шоҳдан соғлом гадо бахтлидир.

А.Шопенгауэр

Ishonch 2012-yil 20-mart
№ 36-37 (3074)

Барчинойдек баҳодир қиз

Одатда қизлар нафис спорт турларини хуш кўришади. Ота-оналар ҳам унчалик қаршилик билдиришмайди. Аммо қашқадарёлик Дилафрўз Қандаҳорова спортнинг энг машаққатли ва мураккаб турларидан бўлмиш оғир атлетикани танлади.

— Дилафрўзни ота-онаси ҳузурим-га олиб келишганида 13 ёшда эди, — дея ҳикоя қилди унинг устози Тоир Пармонов. — Тўладан келган, пишиққина қизни кўриб, ундан келажакда яхши спортчи чи-қиши мумкинлиги хаёлимдан ўтди. Биласиз, оғир атлетика билан шу-ғулланиш учун киши иродали бўлиши лозим. Дилафрўзда айни шу хислат яхши шаклланган эди. У йилдан-йилга ўз маҳоратини ошириб, тенгқурлари орасида яхши натижалар кўрсата бошлади. 2010 йилда мамлакат биринчилиги-да ғолиб чиқиб, ёшлар ўртаси-да ўтадиган қитъа биринчилигида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Осиё чемпионатида эса бронза медали совриндорига айланди. 2011 йил Қандаҳорова учун янада омадли келди. У Ўзбекистон чем-пионатида ғолиб чиқиб, декабр ойида Тошкент шаҳрида ўтадиган Осиё кубогида қатнашиш имкони-ятини қўлга киритди. Гарчи терма жамоа ўз ўқув-машғулот йиғинла-рини Чирчиқ шаҳрида ўтказган бўлса-да, биз тайёргарликни Қарши Олимпия захиралари кол-лежида олиб боришга қарор қил-дик. Коллежимиз директори Эл-бек Орипов барча шароитларни яратиб берди. Шу тариқа колле-жимиздан тўрт нафар ўқувчи қитъа кубогида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Улардан Дилафрўз Қандаҳорова олтин, Бибиойша Бўриева кумуш медалга сазовор бўлди.

— Аёллар — нозик хилқат, бўлажак она. Оғир атлетика уларнинг саломатлиги учун сал-бий таъсир кўрсатмайдими?

— Шукрки, шогирдларимнинг ҳаммаси соғ-саломат. Улар ора-сида оила қуриб, соғлом фарзандлар дунёга келтираётганлари ҳам бор. Ана шундай шогирдларимдан бири Елена Сисова фарзандли бўлган-дан сўнг яна фаолиятини давом эттиряпти.

Чемпионнинг устози билан суҳбатимиз асноси Дилафрўз ҳам маш-ғулотини якунига етказди. Уни суҳ-батга тортдик:

— Дилафрўз, сизда бу турга қизиқиш қандай уйғонган?

— Қандаҳор бобом моҳир курашчи бўлган. Шу боис, полвонлик қонимда бўлса керак. Қолаверса, қамашилик оғир атлетикачи, халқаро тоифадаги спорт устаси, Осиё чемпиони Зилола Бўриевага бўлган ҳавас ҳам мени шу ерга етаклади.

— Ўқишларингиз ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.

— 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб Қарши Олимпия захиралари коллежида оғир атлетика бўлими очилди. Айни пайтда биринчи босқичда таҳсил оляпман. Келажакда яхши ўқиб, спорт мураббийи бўлиш орзуим ҳам йўқ эмас.

— Олдинда қандай мусобақалар турибди?

— 22-25 март кунлари Чирчиқ шаҳрида навбатдаги мамлакат чемпионати ўтади. Голиблар Жану-бий Кореяда бўладиган Осиё би-ринчилигига бориши мумкин. Анна Буркова, Зулхумор Юнусова каби рақибларимдан яхшироқ кўрсаткич қайд этишим учун машққа зўр бер-ганман.

— Илк машқларингизни 15-20 килограммли тошларни кўтаришдан бошлаган экансиз. Эндиликда тошлар вазни қанчага етди?

— Ўзбекистон кубогида 98 кг.ли тошни кўтарган бўлсам, Осиё ку-богида 101 кг.ни кўтаришга муваф-фақ бўлдим.

— Декабр ойида +75 кг. вазн тоифасида Осиё кубогини қўлга киритдингиз. Ушбу муваффақиятни кутганмидингиз?

— Ростини айтсам, иккинчи ё учинчи ўринлардан бирини қўлга ки-ритсам керак, деб ўйлагандим. Аммо устозларим кўрсатмаси, қола-верса, мухлисларнинг қўллаб-қув-ватлаши менга қўшимча куч берди. Эндиги масала, терма жамоа саф-ида жаҳон чемпионатида, қолаверса, қитъа ва Олимпия ўйинларида за-фарларга эришсам, дейман...

Биз Дилафрўз Қандаҳоровага омад тиладик, ундаги интилиш-ни кўриб, дилимизда хотин-қиз-ларимиз орасидан ҳам кучли оғир атлетикачилар чиқишига ишонч уйғонди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

От спорти

Спортга меҳр болаликдан бошланади. Аслида бу танисиҳатлик учун табиий бир интилиш бўлиб, унга рағбат керак холос. Албатта, бунда ота-оналарнинг ўрни бўлакча. Ўсиб келаётган ёш ниҳолни парваришлаш, ундаги истеъдодни ўз вақтида англаб, тўғри йўл кўрсатиш фавқулодда муваффақиятлар калитидир.

Бўлғуси чавандоз

Абдувосит Мирзиёдов айни пайтда 12 ёшда. Ча-вандозлик жони-дили. Фар-зандидаги интилишни ўз вақтида тўғри англаган ота-си уни «Jokey» от спорти клубига етаклаб борди.

Клубга келганига ҳали ҳеч қанча бўлмай, тезда мураббийлар эътиборига тушди. У «Седрик» лақабли отда маҳорат пиллапоялари сари илдам одимламоқ-да. Унга мураббийлик масъулияти эса Алихон Азизов зиммасида. Дарвоқе, А.Мирзиёдов яқинда клуб миқё-сида болалар ўртасида ўтказилган мусобақада ғолиб-ликка эришди. Бу Абдувоситнинг биринчи ғалабаси бўлди. Куни кеча Наврўз байрамига бағишлаб ёшлар ўртасида ўтказилган Тошкент шаҳар очиқ чемпиона-тида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, совринли ик-кинчи ўринга сазовор бўлди.

— Абдувосит тиришқоқлиги ва қобилияти билан тенгдошларидан ажралиб туради, — дейди мураб-бий Алихон Азизов. — Ўз устида ишлашни шу тарз-да давом эттирса, келажакда ундан яхши чавандоз чиқади, албатта.

Юқорида таъкидлаганимиз «Jokey» от спорти клуби бугунги кунда ёшларнинг севимли масканига айланган. Аввалари болалар 16 ёшдан клубга қабул қилинар эди. Энди эса, 10 ёшдан бошлаб шуғулланишлари мумкин.

Клубда Абдувоситга тенгдош 20 нафарга яқин иқтидорли болалар малакали ва тажрибали мураб-бийлар бошчилигида от спортининг сир-асрорлари-ни ўрганишяпти. Бу хайрли ишда Алихон Азизов, Мирзоҳид Мусаев, Нина Токмакова, Даврон Рўзиму-ҳамедов, Мирза Мусаев каби мураббийларнинг хиз-матлари беқиёс.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши

Соҳа ходимларини, юртдошларимизни яшариш байрами – Наврўзи олам билан муборакбод этади. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, Ватан равнақи йўлидаги ишларингизда омадлар тилайди!

madмустафо Раимов (50 кг.), Жаҳонгир Мамажонов (55 кг.), Қаҳрамон Бой-дадаев (71 кг.), Улуғбек Худойберганов (65 кг.), Алишер Ҳотамов (мутлақ вазн) ўз вазн тоифаларида барчадан кучли эканликларини исботлашди.

Ўсмир қизлар ўртасида наманганлик Маҳлиё Йўлдошева (33 кг.), Мунира Каримова (40 кг.), Матлуба Ҳайдарова (48 кг.), Мухлиса Абдумаликова (52 кг.), Шаҳноза Аҳмаджонова (57 кг.), Нилуфар Мирзаева (мутлақ вазн) олтин медални қўлга киритган бўлса, қолган вазн тоифаларида Мухлиса Қамбарова (Навоий, 36 кг.), Гулсанам Акмалжонова (Фарғона, 44 кг.), Ҳаётхон Жўрабоева (Фарғона, +63 кг.) шоҳсупанинг энг юқорисидан жой эгаллади.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Зукколар беллашуви

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланиб, хотин-қизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Пешқадамлик учун бирлашма тасарруфидаги 13 та даволаш профи-лактика муассасаларида ўтган дастлабки босқич ғолиблари дона суришди.

Шашкачилар баҳсида кўп тармоқли марказий поликлиника врачи Зулфия Тўхтаева ғолиб чиққан бўлса, 2-сонли болалар шифохонаси ҳамшираси Су-райё Шониёзова иккинчи, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакили Сайёра Абра-ева учинчи ўриндан жой олди.

Қизиқарли ўтган шахмат мусобақасида 3-сонли катталар поликлини-каси ҳамшираси Марҳабо Рустамова биринчи, шаҳар тиббиёт бирлаш-масидан Маҳфират Хушвақтова иккинчи, кўп тармоқли марказий полик-линика ходимаси Дилфуза Тиловова учинчи поғонани банд этди.

Суюн ТОШАТОВ,
Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Давлат муассасаслари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма-си Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгаши бош ҳисобчиси Раъ-но Бобожоновага онаси

РАЖАББИБИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

U. Ibodinov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 00. 20
Topshirildi - 01.40

Buyurtma Г — 311

23549 nusxada bosildi

1 2 3 4 5

«Шарқона шодиёна» кроссворди



Бўйига: **1.** Баҳор фаслининг илк чечаги. **2.** Сутканинг қуёшли пайти. **3.** Ватанимизнинг ёш истеъдод соҳиблари сазовор бўладиган давлат мукофоти. **10.** Янги униб чиққан ўт-ўлан. **13.** Халқ сайилларида сўз ўйини, қочириқларга асосланган ҳолда икки киши ёки тарафларнинг кўнгилочар мусобақаси. **25.** Ҳосил онаси. **26.** Ўсимликнинг гулга айланадиган аъзоси. **32.** Наврўз кунлари ўтказиладиган оммавий шодиёна томошалари. **33.** Бир оёғида турган ҳолати шу масканнинг тинчлигини англатувчи узун оёқ парранда. **39.** Баҳорда биринчилардан бўлиб гуллайдиган қуруқ мева. **40.** Халқ кўшиқлари ва достонларини ёддан куйловчи шоир. **41.** Шарқий ва Марказий Осиёда кенг тарқалган ўн икки йилни қамраб олувчи ва ҳар бир йили бир ҳайвоннинг номи билан аталувчи ҳамда йил боши Наврўз айёмидан бошланадиган йил ҳисоби. **42.** Токларни кўтариб қўйиш, тараш, ёйиш учун поя ва бағазлардан баланд ҳолда қурилган ёйсимон мослама. **43.** Тик ўсувчи, игна баргли доим яшил жанубий дарахти. **45.** Чўл ҳудудида обод қилинган маскан. **57.** Ўсимликнинг одатда яшил тусдаги аъзоси. **58.** Янги униб чиққан вақтида наврўз таомларига солинадиган, шўрадошларга мансуб ўсимлик. 59. Кураш мусобақасини ўтказишда ёзиладиган анжом.

Энига: **4.** Энг эртапишар мева. **6.** Ҳусн, гўзаллик. **20.** Инсоннинг жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрни, ҳурмат, эътибор. **23.** Сув йўли. **24.** Ҳаёт учун энг зарур неъматлардан бири. **27.** Одатда чўпонга тааллуқли ҳисобланиладиган чолғу асбоби. **34.** Осмонга берилган яна бир ном. **35.** Энг яхши совға. **37.** Остидан шохлаб ўсадиган майда пастак дарахт.

Диагонал бўйича: **1.** Мақолдан: "... чаманни севар, Одам - Ватанни". **4.** Танаси бинокорликда ишлатиладиган, тик ўсувчи дарахт. **5.** Бардам, бақувват ҳолат. **6.** Бепоён, табиий сув ҳавзаси. **7.** Мусиқа асари, оҳанг. **8.** Ҳар бир отлиқ ўртага сўйиб ташланган улоқни бир бирларидан куч билан тортиб олиб, тезроқ маррага элтиб ташлаш учун курашишдан иборат, наврўз сайилларида ўтказиладиган мусобақа. **9.** Ўсимлик гулидан шифобахш ширинлик йигувчи ҳашарот. **14.** Пояси сersув, нордон, ейишли, кўп йиллик тоғ ўсимлиги. **21.** Атиргуллилар оиласига мансуб, қизил ёки сариқ тусда очиладиган хушбўй гул. **22.** Энг кўп тарқалган ҳўл мевалардан бири. **35.** Манзарали ўсимлик чечагидан махсус усулда олинадиган ичимлик. **36.** Қисқа фурсат. **37.** Экин экишга яроқли, лекин узоқ вақт ишланмай ётган ер. 38. Қатъий, мақсад-интилиш. 39. Мақолдан: «Сўзнинг онаси — қулоқ, сувнинг онаси — ....». **40.** Буғдойнинг пояси учидаги дон ҳосил бўладиган тўпгули. **57.** Инсон тафаккури ва сезгисидан ташқаридаги мавжуд, дунё, олам.

Ёйлар бўйича: **10**. Байрам шодиёнаси эвазига осмонда гумбирлаб юлдузлар сочиладиган манзара. **11.** Сув солиш, ташишга мўлжалланган идиш. **12.** Бошоқли ғалла экини. **43.** Субҳидамдаги майин, ёқимли шамол. **44.** Наврўз айёми куни таваллод топган атоқли ўзбек шоири, «Наврўз» шеъри муаллифи. **46.** Чирмашиб ўсувчи бир йиллик ўсимлик. **47.** Биpор мавзу ёки санага бағишлаб ўтказиладиган одатда расмий ва бадиий қисмлардан иборат маъруза. **«Занжир» ҳолида:** **15.** Наврўз айёмининг рамзий таоми. **16.** Бирор соҳанинг энг сара, аълосини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган тадбир. **17.** Таомга қўшиб, барра ҳолида истеъмол қилинадиган ўсимлик. **18.** Куннинг мусаффо пайти. **19.** Эртапишар, данакли ҳўл мева. **28.** Ўзбек маърифатпарвар шоири Мукимий қаламига мансуб эрта кўклам мадҳ этилган лирик шеър. **29.** Бир йиллик хушбўй ошкўк ўсимлик. **30.** Дастурхон кўрки. **31.** Бута ёки дарахт кўринишидаги, гуллари майда тўпгул, хушбўй, оқ, пушти, қизил рангли манзарали ўсимлик. **48.** Қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг наврўз байрамининг юзага келиши ва аҳамияти ҳақида ёзган фикрлари баён этилган асари. **49.** Мусиқа жўрлигида ижро этиладиган саҳна санъати тури. **50.** Сersоя, кўркам дарахт. **51.** Ватанимизга кўклам элчиси сифатида учиб келадиган парранда. **52.** Мақолдан: «Сувни ... тўхтатар, сўзни — чин». **53.** Наврўз таомларига ишлатиладиган, сариқ тўпгулли, уруғли кўклам гиёҳи. **54.** Энг эрта очиладиган гул. **55.** Узум тупи баргига қийма ва гуруч ўраб пиширилади кўклам таоми. 56. Ҳосили ўрам ҳолида етиладиган полиз экини.

«НАВРЎЗ АЙЁМИ МАДҲИ» МУАММОНОМАСИ

Калит сўзлар: 1. Риёзиёт ва фалакиёт олими, рубоийнавис шоир Умар Ҳайёмнинг баҳорий айёмнинг юзага келиши ва аҳамиятига бағишланган нодир асари — **4, 1, 13, 3, 9, 10, 4, 15, 11, 1.**

2. Ўзининг «Шоҳнома» достонида наврўз айёмига таърифини баён этган мумтоз мутафаккир шоир — **19, 2, 3, 8, 1, 13, 17, 2, 23.**

Ўзбек мумтоз шоири Муҳаммадризо Огаҳий ғазалларидан:

3. Эй, ёр санго тангри таборак бўлсун,
Наврўз ила янги йил **11, 5, 21, 15, 3, 1, 7.** бўлсин.

4. Бериб ул ҳусни шоҳи бўлса нақдин,
Хазиналарға **8, 6, 21, 15, 4.** инъом наврўз.

Мумтоз адабиётимизда яратилган «Гул ва Наврўз» достонидан:

5. Янги **23, 2, 14, 4, 2, 4, 12.** бошинда — рўзи наврўз
Садафдин **20, 2, 18, 8, 2.** бир дурри **22, 1, 21, 1, 19,** 3, 9, 10.
Севингандан отаси ганжин очди,
Неким қозонганин оламга сочти.
Улуғ тўйлар қилиб, ишратлар этди,
Яратқон бирла кўп ниятлар этди.
... Чу наврўз бўлди наврўз ичра Фируз,
Атоди ўғлининг **15, 16, 2, 4, 2.** Наврўз.

Энди шакл атрофидаги рақамларни калит сўзлари жавоблари асосида ҳарфлар билан алмаштириш орқали муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан тўрт мисра шеър ва унинг муаллифи бўлган мумтоз мутафаккир шоир номини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ

«БУХОРО УРУҒЧИЛИК» ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Соҳа ходимларини, биз билан ҳамкорликда меҳнат қилаётган ҳамкорлар ишчи-хизматчиларини, мамлакатимизнинг барча аҳолисини нафосат ва гўзаллик байрами — Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайди! Мамлакат иқтисодиёти, халқ турмуш фаровонлиги, порлоқ келажагимиз учун фидойилик кўрсатаётган юртдошларимизга мустаҳкам соғлик, омадли бахт-саодат, яратувчилик ишларида муваффақиятлар тилаб қолади!

идаги Ўзбекистон гган Наврўз байрами н репортаж

і-тубигача етиб боради. Ана ндай сеҳрли наво оғушида йдон теграсидаги улкан мо-торларда юртимизнинг н-малоҳатда тенгсиз таби-ı, бетакрор қадимий обида-рию замонавий меъморчи-к анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги кўрку таровати, фидойи ватандошларимиз, йигит ва қизларнинг шижоатли қиёфаси намоён бўлади.

Эрта тонгданоқ ораста шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай, ноғораю доира садолари янграйди. Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар қалбидаги шодумонлик уларнинг юз-кўзларида акс этади. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак таққан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволанаётган варракларга қадалган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқади.

Наврўз — меҳр-оқибат, одамийлик, хайр-мурувват айёми. Халқимизнинг қонқонига сингиб кетган бундай эзгу фазилатлар барча анъана ва удумларимизда, марака ва маросимларимизда, айниқса Наврўз фалсафасида янада теран намоён бўлади. Маҳалла-кўй, эл-юрт ҳамжиҳатликда ҳашарга отланади. Ариқ-зовурлар тозаланади. Ҳаммаёқ — кўча ва гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Илдизлари миллий маънавиятимизнинг кўҳна сарчашмаларига туташ ҳашар кунида кенг миқёсдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари бажарилади. Наврўз кунларида эл-улус бир бўлиб кўмакка муҳтож кишиларга беминнат ёрдам беради. Беморлардан ҳол-аҳвол сўралади. Табаррук кексаларнинг дуоси олинади. Гина-кудуратлар унутилиб, биродарлик ришталари мустаҳкамланади. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинадилар.

Президентимиз таъбири билан айтганда, кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳайратда қолиши муқаррар.

Бу ҳайрат халқимизнинг ўзлигидан, ўтмишию бугунидан, буюк келажагидан, миллий қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб, қадрлаб келаётганидан, фарзандларини-да ана шу руҳда тарбиялаб вояга етказаётганидан уйғонади.

Бу ҳайрат истиқлолнинг учинчи ўн йиллигига қадам қўйган халқимизнинг бетимсол бунёдкорлик салоҳиятидан, мамлакатимизда кечаётган ўзгаришу янгиланишлардан, шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган бир-биридан гўзал биноларимиздан, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда эришаётган ютуқларимиздан, юртимизни турли балою офатлардан, халқимизни ғаму кулфатдан эсон-омон сақлаб келаётган Юртбошимизнинг маънавий жасорати ва қатъиятидан туғилади.

(Давоми 2-бетда)

ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда сайил-томошалар қилиб, Наврўз айёмини шоду хуррамлик билан кутиб олаётганида, нишонлаётганида намоён бўлмоқда.

Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини силаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга мансуб ажойиб фазилат ва савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўзининг аксини топмоқда.

Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, ҳар қайси инсон ўз оила аъзоларини, қадрдонларини бағрига босиб, танишбилишларини қутлаб, уларга соғлик-омонлик, тинчлик-осойишталик тилайди, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишини истайди.

Шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқрор бўлади.

Айнан шунинг учун бу бетакрор ва гўзал айёмни эл-юртимиз орзиқиб кутади, ўз соғинчларини ва орзу-истакларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Айнан шунинг учун Наврўзимизни ўтмиш ва яқин тарихимизда не-не мустабид тизимлар ҳар қанча уринмасин, биздан — ўзбек халқидан тортиб ололмади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана, минг йиллар давомида юртимизда безавол, абадий яшаб келмоқда.

Бундай ориятли, ўзлигини, ўз қадр-қимматини юксак баҳолайдиган улуғ халқнинг фарзандлари, давомчилари эканимизни ҳис қилиб, Алишер Навоий боболомизнинг муборак сиймоси қад ростлаган шу азим боғда тўпланиб ўтирган, билаги кучга тўлиб, кўзлари ғайратдан ёниб турган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етаётган ёшларимизга қарата қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий туйғуларимни изҳор этмоқчиман:

Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишонади.

Ана шундай юксак ишонч барчангизга мададкор бўлсин, куч-қувват берсин. Шу ишончга ҳамиша муносиб бўлинг, азиз фарзандларим!

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу нурафшон ва шукуҳли айёмда бизга ҳамроҳ ва хайрихоҳ бўлган, дўстлик қўлини узатган барча мамлакатлар ва халқларга, узоқ-яқин қўшниларимизга бағримизни кенг очиб, самимий салом ва табрикларимизни йўллаймиз.

Бугунги шодиёнамизда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳамкор ва шерикларимиз, хорижий дўстларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан чин дилдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун мана шу гўзал ва бетакрор майдонда тўпланган сиз, қадрдонларимиз, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва самимий тилакларимни билдирмоқчиман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Ҳар бир хонадоннинг дастурхони тўкин-сочин, ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин!

Ҳар бир инсоннинг бахту саодати зиёда бўлсин!

Эл-юртимизни хавфу хатарлардан, балою-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ниш олиб киради. Дарахт новдаларига тириклик суви югургани мисол кўзларимизга нур, қалбларимизга сурур, билакларимизга куч, юракларимизга муҳаббат инади. Айнан Наврўз фаслида табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз. Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Фарзандларимиз соғ-саломат. Оиламиз мустаҳкам. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, турмушини бекаму кўст этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

22 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт соҳалари намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, ўқувчи ва талаба ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари барчани яшариш ва янгиланиш айёми билан қутлар экан, ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлардан ажралиб турадиган Наврўз тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, асрий қадриятлари, миллий урф-одат ва анъаналари тобора сайқалланиб, ривож топиб бораётганини таъкидлади.

...Янги кун бошланди. Саҳархез боболарнинг нуроний чеҳрасидан, дуогўй момоларнинг эзгу тилакларидан, тонгни бешик кучиб қаршилаган оналар алласидан бошланади бу кун. Саррин еллар қанотида, юртимизни ҳеч қачон тарк этмайдиган лайлаклар хаёлотида кириб келади у. Наврўз навоси янграйди. Халқимизнинг энг ардоқли байрами бошланади ва қанот қоқиб бутун юртимиз узра парвоз айлайди. Ватанимиз бўйлаб эсаётган бу муаттар насим ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир қалбга кириб боради.

Муаззам майдон узра майин куй таралади. Кўклам соғинчи, табиатга ошуфталик, она заминга муҳаббат, севги ва садоқат, эртанги ёруғ кунларга ишонч ҳисси билан йўғрилган бу нафис оҳанг уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг чорлов мусиқаси янграйди.

Баҳор ташриф

Сен кўнгилнинг самовий рақси
Зеби жаҳон кўркининг нақши,
Сен фаришта, мен куйчи баҳши —
Баҳор бўлиб келганинг яхши

Қаҳратоңдан қақшади жоним,
Соғинчларга ташлади ғаним.
Ташрифингдан яшнади таним —
Рафтор бўлиб келганинг яхши.

Ғолиб туғдай адирлар алвон,
Чучмомалар уради жавлон
Жилвасида жаннату ризвон —
Бедор бўлиб келганинг яхши.

Ҳар гиёҳда висол хислати,
Ҳар қиёқда завол қисмати.
Сен ғанимат дийдор нисбати —
Дийдор бўлиб келганинг яхши.

Шўх нозларинг иффор насимли
Гул юзларинг бунча ёқимли,
Бол сўзларинг ғунча тотимли —
Дилдор бўлиб келганинг яхши.

Эй фасли гул, фасли мастона,
Эртаклардан келган афсона
Малаксиймо, қадди Руҳшона —
Зуннор бўлиб келганинг яхши.

Таърифингга қўшмадим пардоз,
Қадамингга қуёш пойандоз.
Сен мангу ишқ, туғёндаги соз —
Баҳор бўлиб келганинг яхши.

Нуруллоҳ ДОСТОН

Ўқинг, амал қилинг: ўзингизга фойда

ТАБИАТ БЕБАҲС

«Бошингни сов
тут, шунда сен э
қашшоқ қила олас

Қўл ювиб юрса
биласан,
Тил тийиб юрса
ни биласан.

Шарқ элининг
илмининг отаси Лу
— Барча юкни к
дан оғирроқ юкн
лаззатни тотиб к
матликдан чучукр
дим. Энг ширин л
матликда эканини

Бу йилги баҳор кечиккандай кўринади. Шунга қарамай, кўча-кўйда бош кийимсиз ёки бўлмаса, енгил кийиниб олган ёш-яланғларни кўплаб учратиш мумкин. Нима бу, чиниққанлик белгисими ёки...

«Тани соғлик шундай махфий давлатки, қадрини ундан айрилган кишиларгина билади» дейилади араб ҳикматларида.

Шифокорнинг вазифаси даволашдан кўра касалликларнинг олдини олиш, кишини ўз соғлиғини асрашга ўргатишдан иборат. Бизнинг ҳам заҳматкаш касб эгаларига ёрдам бергимиз келди. Бугунги саҳифамизда донишмандларнинг сиҳат-саломатлик ҳақидаги қимматли фикрларини эътиборингизга ҳавола этишни ният қилдик. Бу ҳикматлар зора сизнинг ўз соғлиғингиз ҳақида қайғуришингизга туртки бўлса.

***

«Мушук текинга офтобга чиқмайди» деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам мушукнинг офтобда исинишида ҳикмат бор экан. Тарихий манбаларда келтирилишича, кунларнинг бирида даниялик шифокор Нильс Финзен қўшнисининг томида — мўрининг ёнида исиниб ётган мушукнинг хатти-ҳаракатини кузатди. Мушук мўри сояси тушиши билан ўрнидан туриб, яна офтоб тушадиган жойга ётиб оларди. Финзен мушукнинг бу ҳаракатини кўриб, қуёш нурининг тирик организмга таъсирини ўрганишга киришди ва ундан кишиларни даволашда фойдаланди. Нильс Финзен бу ғояни муваффақиятли амалга оширганлиги учун 1903 йили Нобел мукофотига сазовор бўлди.

Баъзан, ўз соғлиғининг қадрини билмай, уни ичиш ва чекиш каби иллатларга бой бераётганларни кўриб: тавба, бу одамнинг ҳатто мушукчалик ҳам ақли йўқмикин, — деб ўйлаб қоласан киши.

***

1738 йили машҳур голланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасидан «Табобат» деб номланган қалин китоб топилди. Бу китоб ким ошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг долларга сотилди. Муҳр бузилиб, китоб очилганида унинг саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат илк варақдагина шундай сўзлар ёзилган экан:

Афлотундан сў
— Денгизда ж
динг, шу саёҳати
йиб нарсани бизг
Афлотун деди:
— Энг ажойиби
га соғ-саломат чи

Киши учун сал
дунё эса топилад
дон эса топилади
унинг тилаги рав
омон бўлса, орзу

Айтишларича,
илтимос қилиб, д
— Менга сало
бўладиган нарса
токи табиб ва дориларга ишим тушмасин.

Табиблар унга қуйидагича жавоб бердилар:

— Бирор касалингиз бўлмаса яна ҳам яхшироқ бўлай деб беҳуда дори ичманг, пишиб етилмаган мевалардан еманг, овқатни майдалаб чайнашга урининг, нимаики ёқса ўшандан тановул қилинг, овқатдан сўнг совуқ сув ичманг, қорнингиз тўқ бўлса устига-устак овқат еманг, кундузи овқат егандан кейин ухламанг, кечаси еганда эса, дарров ётиб олмай, бир оз у ёқдан бу ёққа юринг.

Билингки, тўрт нарса кишининг баданини семиртириб, кучли қилади: гўштни кўп ейиш, чиройли нарсаларга тикилиш, чўмилиш ва саёҳат қилиш.

Уч нарса кўз нурини оширади: ухлаш олдидан кўзга сурма тортиш, сабзазорларга тикилиш, покиза либос кийиш.

Уч нарса кўз нурини камайтиради: душманни кўриш, хунук нарсаларга, нурга тикилиш.

Тўрт нарса кишини оздиради: шаҳватга эрк бериш, ортиқча ғам тортиш, эрталаб кўп сув ичиш, шўр ва аччиқ нарсани ейиш.

Абдулҳақ ибн Сайфиддин ал-Қодир ад-Деҳлавий

***

Донодан сўрадилар:

— Инсон учун ҳаётда энг қимматли ва энг муҳим нарса нима, бойликми ёки шон-шуҳратми?

— На бойлик ва на шуҳрат инсонни бахтли қила олади. Касалманд шоҳдан соғлом гадо бахтлидир.

А.Шопенгауэр

Чол кузига еш олибди, қулини очиб, узоқ дуо қилибди:

— Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, — дебди у чеҳраси очилиб.

Донолар бисотидан

***

Ўтириб ишласанг, туриб дам ол. Ўз олдингга улуғ бир мақсад қўйган бўлсанг, бу йўлдаги машаққатни дам олиш деб бил.

Эрон мақоли

Агар соғлиғингда югурмасанг, касаллигингда югурасан.

Гораций

Бир ишёқмас бемор бўлиб, ётиб қолибди. Табиб келганда уни боласи елпиб ўтирган экан. Шунда табиб:

— Ўзини ўзи елписин, шояд мушаклар ҳаракатга келиб, қонлар юришиб кетса, — дебди.

Зол-Зар

Беш хил аёллар учун азият чекса арзийди: олижаноб, покиза ва гўзаллар учун;

ақлли, қаноатли, иффатли, вафолилар учун;

бутун ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрининг борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб ўзини ва номусини сақлаганлар учун;

яхши ва ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганлар учун;

юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуғ бўлганлар учун.

«Калила ва Димна»дан.

Назира БОЙМУРОДОВА тайёрлади

Ishonch 2012-yil 20-mart
№ 36-37 (3074)

Учрашув

Дийдор завқи

Бу кун қалбларда ҳаяжон чексиз. Ахир, 20, 30, ҳатто 50 йиллик қадрдон касбдошлар учрашади-ю қувонмай бўладими...

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 62-умумтаълим мактабида ишлаган нафақадаги кекса устозлар ва кўп йилдан буён фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар иштирокидаги «Дийдор ширин» тадбири ғоят кўтаринки ўтди. Унга мактаб раҳбарияти ва «Кўҳна Чўпон ота» маҳалла фаоллари бош-қош бўлдилар.

Таълим маскани 1971 йилда ташкил қилинган. Ҳозир бу ерда 1160 нафар ўқувчи таълим олади. 65 нафар ўқитувчи фаолият кўрсатади. Улар орасида мактаб очилгандан буён ишлаётганлар ҳам бор.

— 77 ёшга кирдим, — дейди Тўлқиной Пошшахўжаева. — 47 йилдан буён шу мактабда меҳнат фанидан дарс бераман. Самарали фаолиятим туфайли «Халқ таълими аълочиси» унвонига сазовор бўлдим. 5-7 синфлар учун меҳнат фани дарсликлари муаллифиман. Ёшларга чуқур билим беришга ҳаракат қиляпмиз.

Светлана Челешева:

— Ушбу мактабда 35 йил рус тили муаллими бўлиб ишладим. Ҳозир нафақадаман. Бугунги тадбирдан жуда хурсанд бўлдим. Сабаби, узоқ йиллардан буён кўришмаган устозлар билан дийдорлашдик. Ёшларга тажрибамизни ўртоқлашдик.

Сабоҳат Зоирова:

— Ёшим 77 да. Нафақадаман. Шу мактабда 32 йил ишладим. Оиламизда ҳамма ўқитувчилик касбини эгаллаган. Бугунги учрашув ташкилотчиларига чексиз миннатдорлик билдираман. Муаллимликни давом эттираётганларга касбга меҳр, улкан куч-қувват ва метин ирода тилайман.

Тадбир иштирокчилари орасида фаолияти давомида қатор ютуқларга эришган ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Халқ таълими аълочиси Хотира Пўлатова, Халқ таълими фидойиси, Республика бўйича синф раҳбари журнали, «Замонавий таълим» рисоласи муаллифи Наргиза Рўзибоева, мактабда узоқ йиллар ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган Сожида Абдуллаева, Фонд Форум педагогика гранти соҳибаси Зулайҳо Ҳасанова ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди мактаб раҳбари Сайёра Хўжаева, — Наврўз айёми арафасида узоқ йиллардан буён нафақадаги устозларимиз билан дийдор кўришиб суҳбатлашиш, иш тажрибаларини ўрганиш, ёш ўқитувчиларимиз фаолиятини янада такомиллаштиришдан иборат.

Баҳорий таомлар билан безатилган дастурхон атрофида ёқимли куй-қўшиқлар тингланди. Айниқса, ёши етмишдан ошган, кўп йиллар физика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаган Хури опа Олимхўжаева завқини яширолмай рақсга тушганда даврада ўзгача кўтаринки кайфият пайдо бўлди.

Элимизнинг мана шундай давралари, юрт тараққиёти учун жон куйдираётган заҳматкаш инсонлар дийдори яна кўплаб эзгу ишларга қанот берса, ажабмас.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 23 март, жума куни чиқади.

MUASSIS:
O`zbekiston Kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay`ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),

Bizga qo`ng`iro`q qiling:
Kotibiyat: 256-52-78
Xatlar bo`limi: 256-85-43

Viloyat muxbirlari:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg`ona + 99873 679 32 79;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78;
Qoraqalpog`iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan. IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. Ofset usulida bosildi. Bichimi A-3. Hajmi 4 bosma taboq.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy.
Nashr ko`rsatkichi: 133; 134

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko`chirib bosilganda «Ishonch»dan olinganligi ko`rsatilishi shart.

Tijorat ahamiyatiga molik materiallar h belgisi ostida chop etiladi.

E-mail: ishonch 2011@gmail.com

ISSN 2010-5002

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy

Navbatchi muharrir:
F. Mamasharipov

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Sahifalovchi-dizayner:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti - 21.15
Topshirildi - 23.00

Buyurtma Г— 311

Tiraji: 23549

ISSN 2010-5002

1 3 4 5

Касаба уюшма спорти

Зукколар беллашуви

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Мустаҳкам оила йилига бағишланиб, хотин-қизлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича мусобақа ташкил этилди.

Пешқадамлик учун бирлашма тасарруфидаги 13 та даволаш профилактика муассасаларида ўтган дастлабки босқич ғолиблари дона суришди.

Шашкачилар баҳсида кўп тармоқли марказий поликлиника врачи Зулфия Тўхтаева ғолиб чиққан бўлса, 2-сонли болалар шифохонаси ҳамшираси Сурайё Шониёзова иккинчи, шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакили Сайёра Абраева учинчи ўриндан жой олди.

Қизиқарли ўтган шахмат мусобақасида 3-сонли катталар поликлиникаси ҳамшираси Марҳабо Рустамова биринчи, шаҳар тиббиёт бирлашмасидан Махфират Хушвақтова иккинчи, кўп тармоқли марказий поликлиника ходимаси Дилфуза Тиловова учинчи поғонани банд этди.

Суюн ТОШАТОВ, Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Давлат муассасаслари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгаши бош ҳисобчиси Раъно Бобожоновага онаси

РАЖАББИБИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

U. Ibodinov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

ISSN 2010-5002

Bosishga topshirish vaqti - 00. 20
Topshirildi - 01.40

Buyurtma Г — 311

23549 nusxada bosildi

1 2 3 4 5